2 СЕН 1992

Халқ зиёлилари рўзномаси

Маърифат

معرفت

MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 ЙИЛ 19 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

№ 70 (6566).
Баҳоси 1 сўм 50 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН—ВАТАНИМ МЕНИНГ!

Жонажон юртимиз аҳолиси, барча каттаю кичик 1 сентябрни Ўзбекистон мустақиллигининг 1 йиллиги сифатида зўр тантана билан нишонлайди. Ахир байрам қилмай бўладимми?! Шу қутлуғ кунларга етганлар, етмаганлар бор.

Мустақиллик, бу — жуда эзгу ва қутлуғ сўз. Утмишда мустақиллик, озодлик, эркинлик деб аждодларимиз жон бериб, қон кечганлар. Улуғ бобомиз Маҳмуд Қошғарий (X аср) ўзининг «Девону луғатит турк» номли машҳур асарида қадимги турк ҳоқонларининг ўз мустақилликлари учун курашганликларини ёзиб қолдирган. Қадимги турк хоқонлари эса, маълумки, эрамизнинг V — VI асрларига тегишли. Халқ оғзаки ижодиётида Маликаи Турондод, Широқ, Тўмарис каби халқ қаҳрамонлари куйланади. Ҳатто эрамиздан аввалги йиллар Искандар Зулқарнайн даврида ҳам озодлик курашчилари бўлган. Кейин араблар (VII — VIII асрлар), мўғуллар (XIII аср) истилолари... Муқанна, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик каби ватанпарварларни ким билмайди.

Буюк жаҳонгир Амир Темур ва темурийлар (XIV—XV асрлар) даврида туркий халқлар давлати, илм-фани, маданияти жаҳонга танилди. Сўнг яна бошбошдоқликлар, майда амирлик ва хонликлар...

XIX асрнинг 70-йилларидан чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати бошланади. (Аслида бундай сиёсат Пётр I давридан бошланган эди, лекин муваффақиятсиз чиққан).

Тўғри, асримиз бошларида «Октябрь инқилоби нуридан баҳраманд бўлиб», «Туркистон халқларининг ҳоҳиш-иродасига кўра, сунъий чегаралариниш ўтказилди. «Тенглар ичида тенг, Ўзбекистон ССР» расмий «мустақил» республика, деб эълон қилинди. Бироқ амалда собиқ СССРнинг мустамлакаси бўлиб қоларди. Ҳур фикрли маҳаллий кадрлар, арбоблар қатағон қилинди, отилди. Бу жараён турли кўринишда 80-йиллар охиригача давом этди. Бу «миллий адоват чиқар, парчалаб ташла ва ҳукмронлик қил» деган мафкуранинг танганаси эди.

Кейин миллий уйғониш даври бошланди. «Наврўз»имиз, динимиз, миллий қадриятларимиз тикланмоқда. Улуғ аждодларимиз руҳи поклари мададкор бўлиб, мустақиллик сари дадил қадам қўйилди: ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди ва, ниҳоят, ўтган йили Ўзбекистон Мустақил давлат деб эълон қилинди.

Хўш, мустақиллик, мустақил давлат нима?

Мустақиллик, бу — аввало, миллий ўзлигимизни англаш демак. Ўз миллий тили, маданияти, илм-фани, тарихи, суд-прокуратураси, армияси, байроғи, герби, мадҳияси, пули (сўми) ва, ниҳоят, ўз миллий кадрларига эга бўлган давлат — мустақил давлатдир. Мустақил давлат ишларига ўзга давлатлар аралашмайди ва у бошқаларга тобе ҳам эмас. Шу маънода, мустақил давлат, бу — миллий давлат дегани.

Иккинчидан, мустақил давлат сиёсий жиҳатдан мустақил бўлиши — жаҳон мамлакатлари расман тан олиши керак. Бу масалада Ўзбекистонимизга омад кулиб боқмоқда. Зеро, Қуръондаги йўл-йўриқлар 1300 йилдан бери ўзгармай, ўз таъсир кучини, аҳамиятини йўқотмагани ҳолда, кейинги 70 йил ичида давлат Қонунлари 5 марта ўзгарди. Шунингдек, мустақил Ўзбекистон Қонунлари мажмуасида илғор, ривожланган давлатлар тажрибаларидан фойдаланилса, ундай Қонунлар истиқболда ҳам ўз кучини йўқотмайди. Ҳуқуқий давлат ўзбек халқи ва республикада яшовчи бошқа миллат кишиларининг орзу-ниятларини, инсоний ҳуқуқларини ҳимоя қилмоғи керак.

Тўртинчиси — иқтисодий мустақиллик. Бироқ иқтисодий мсутақиллигимиз тўла таъминлангани йўқ. Табиий бойликларимиз етарли, бир қатор бойликларимизни чет элларга чиқариш имкониятларини: республикамиз БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси. Ҳозирга келиб дунёнинг 120 давлати Ўзбекистонни тан олган (шундан 40 таси элчилар алмаштириш даражасида). Давлатимиз халқаро майдонда тинчлик сиёсатини ўтказмоқда.

Учинчидан, у ўз Конституциясига эга бўлмоғи керак. Қонунлар шу давлат аҳолисининг миллий ва диний хусусиятларидан келиб чиқиб тузилмоғи — Қуръони карим, фиқҳ илмининг билимдони Бурҳониддин Рашидоний (Марғилоний)нинг «Ҳидоя»си, «Темур тузуклари»дан фойдаланилмоғи даркор. Зеро, Қуръондаги йўл-йўриқлар 1300 йилдан бери ўзгармай, ўз таъсир кучини, аҳамиятини йўқотмагани ҳолда, кейинги 70 йил ичида давлат Қонунлари 5 марта ўзгарди. Шунингдек, мустақил Ўзбекистон Қонунлари мажмуасида илғор, ривожланган давлатлар тажрибаларидан фойдаланилса, ундай Қонунлар истиқболда ҳам ўз кучини йўқотмайди. Ҳуқуқий давлат ўзбек халқи ва республикада яшовчи бошқа миллат кишиларининг орзу-ниятларини, инсоний ҳуқуқларини ҳимоя қилмоғи керак.

Тўртинчиси — иқтисодий мустақиллик. Бироқ иқтисодий мсутақиллигимиз тўла таъминлангани йўқ. Табиий бойликларимиз етарли, бир қатор бойликларимизни чет элларга чиқариш имкониятлари бор. Озиқ-овқатнинг баъзи турларини ташқаридан сотиб олиш ёки бартер усулида алмаштиришимиз мумкин.

Бизга, миллий хусусиятларимизга, табиий-жуғрофик шароитларимизга мос тушадиган, замонавий, шу билан бирга тарихий шаклланган, асрлар синовидан ўтган тармоқларни ҳисобга олувчи тараққиёт модели керак. Буни маърифатли, демократик (халқчил), интенсив (жадал) ривожланиш йўли ҳам дейишади. Бу йўл, ҳеч қандай сиёсий шартларсиз қарзлар ёки илғор техника ва технология сотиб олишни, қўшма корхоналар қуришни инкор этмайди. Ички имкониятларни ҳисобга олиб, маҳаллий хомашёларимиздан охирги маҳсулотгача ишлаб чиқарувчи катта ва кичик корхоналар қуриш, уларга ишлаб чиқариш режаларини тузишда тўла мустақиллик бериш, фуқаролар меҳнат-турмуш даражасини, фаоллиги ва онглилигини кўтаришни кўзда тутади.

Шундай қилиб, мақсадларимиз ҳайрли, режаларимиз аниқ. Агар ўрта ва қуйи бўғин раҳбарлар, қолаверса, ҳамманинг нияти пок, имони бут бўлса, яқин 5—10 йил ичида иқтисодий инқироздан чиқиб кетамиз ва ривожланган мамлакатлар қаторидан муносиб жой оламиз.

Биз, ўқитувчилар мустақилликни ана шундай тушунамиз, чунки «ким қандай яшаса, ўшандай фикрлайди» (А. Қаҳҳор). Юқорида қайд қилганимиздек, мустақил давлатнинг ўз миллий таълим-тарбия муассасалари, миллий мактаби ҳам бўлиши керак. Бу ҳақда кўп ёзишди. Миллий мактабнинг миллий ўқув дастури, дарсликлари, қўлланмалари бўлади. Унда миллий қадриятлар, қарашлар ўз ифодасини топади. Лекин бу жаҳон илм-фани, маданияти фалсафий қарашларини инкор этиш дегани эмас. Улардан танқидий фойдаланилади, илмий-амалий аҳамияти ўз ўрнида кўрсатилади.

Тарихимиз узоқ ва ибратли. Лекин мустақил давлат сифатида у 1991 йилдан бери яшамоқда. Шунинг учун бу тарихий санани — Мустақиллик кунининг моҳиятига кўра, муносиб нишонламоқ керак. Таклифимиз: янги ўқув йилида биринчи дарсларни Мустақилликка бағишласак. Ўқувчиларнинг ёши, руҳияти, ақлий-жисмоний ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олиб, дарс мавзуларини қуйидагича белгилайлик.

1. 1—4-синфлар учун. «Мустақиллик нима? Мустақил бўламиз, ўзимизни-ўзимиз бошқарамиз».

2. 5—7-синфлар. «Мустақиллик нима? Мустақиллик учун кураш тарихидан лавҳалар». (Қайси воқеа, қайси тарихий шахс ҳақида гапириш — ўқитувчи ҳоҳиши).

3. 8—10-синфлар. «Миллий, мустақил давлат нима?» (Давлатнинг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий мустақиллиги ҳақида). «Мустақиллик — миллий уйғониш, ўзлигини англаш демак».

Мустақилликдан сабоқлар бериш, бизнингча, ҳар бир фан ўқитувчисининг қўлидан келади ва шундай бўлиши ҳам керак!

Комилжон ТЕШАБОЕВ,
Фарғона вилояти Риштон районидаги А. Мўминов номли ўрта мактабининг олий тоифали ўқитувчиси.

ДАРС МАВЗУИ— МУСТАҚИЛЛИК

Янги ўқув йилига тайёрмисиз?

ҚИЙИНЧИЛИКЛАРНИ ЕНГИБ

Бозор иқтисодиёти амал қилаётган ҳозирги шароитда ёш авлодга таълим ва тарбия бериш ишини тўғри ташкил этиш масаласи асосий вазифалардан бири бўлиб турибди. Чунки ўзимизнинг ҳар томонлама камол топган, етук, билимдон ёш кадрларга эга бўлмасдан туриб, мустақил Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнашини, ривожланишнинг порлоқ йўлига чиқиб олишини тасаввур этиб бўлмайди. Бунинг учун, аввало, болаларимиз яйраб илм оладиган кўплаб замонавий усулдаги билим масканларини бунёд этиш, ўқитув ишини энг юқори поғонага кўтаришга эришиш, ўқувнинг пишиқ-пухта дастурини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Биз яқинда Қашқадарё вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Раҳматилла Мусурмонов билан учрашиб, халқ таълими соҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда галдаги режалар, ечимини кутаётган муаммолар тўғрисида суҳбатлашдик.

— Мактабларни ялпи ва жорий таъмирлаш, янги мактблар қуриш ишлари қандай бормоқда?

— Вилоятимизда 917 та умумий таълим мактаби бўлиб, шундан бу йил 159 таси ялпи, 758 таси эса жорий таъмирланиши керак. Маълумотларга қараганда, шу йилнинг 20 июнигача 8 та мактаб ялпи, 139 та мактаб эса жорий таъмирланишдан чиқарилган. Таъмирлаш ишлари, айниқса, Қарши, Ғузор, Китоб, Муборак районлари халқ таълими бўлимларида яхши ташкил этилган.

Янги ўқув йилида вилоятимизда мактаблар сонини 948 тага етказиш режалаштирилган. Агар қурилиш ташкилотлари, маҳаллий Кенгашлар, агросаноат қурилиши, жамоа хўжаликлари қуриб беришсагина, бу режа амалга ошиши мумкин. Шу йилнинг май ойигача бор-йўғи 432 ўринли 2 та мактаб — Чироқчи районидаги «Қалқама» давлат хўжалигида 192 ўринли, Шаҳрисабз районидаги Ж. Элбоев номли жамоа хўжалигида 240 ўринли мактаблар қурилиб, ишга туширилди.

Бу йил маҳаллий Кенгашлар Қарши шаҳрида 320, Шаҳрисабз шаҳрида 1296, Косон шаҳрида 640 ўринли, агросаноат қурилиши Деҳқонобод районидаги «Ленинизм» давлат хўжалигида 412, Косон районидаги «Большевик» давлат хўжалигида 320 ўринли, 7-қурилаётган корхоналар дирекцияси 18-совхоздаги Жиззах қишлоғида 640 ўринли, жамоа хўжаликлари эса Қамаши районидаги «Коммунизм йўли» жамоа хўжалигида 422, Яккабоғ районидаги Ленин номли жамоа хўжалигида 320 ўринли мактабларни қуриб беришлари режалаштирилган. Вилоятимиз бўйича жами 11 минг 503 ўринли 35 та янги мактаб биноси қурилиб, ишга туширилиши керак. Бунга авария ҳолатидаги 3 минг 152 ўринли, 12 та эски мактаб биноси ҳам киради.

Таъмирлаш ишларида муаммолар жуда кўп. Бозор иқтисодиёти муносабати билан қурилиш материалларининг баҳоси бир неча баравар ошиб кетди, ойна, шифер, қора қоғоз кабилар етишмайди. Иситиш қозонхоналари учун винтель, генератор, ҳар хил эҳтиёт қисмлар йўқ. Янги мактаблар қурилиши ҳам ниҳоятда қониқарсиз олиб борилаяпти. Қурилиш суръати йилдан-йилга пасайиб кетаяпти. Масалан, ўтган 1991 йилнинг июнь ойигача 8196 ўринли 19 та янги мактаб биноси қурилиб ишга туширилган бўлса, бу йил шу муддатгача 432 ўринли 2 та мактаб биноси қурилиб ишга туширилди, холос.

— Янги ўқув йилида ўқувчиларни ўқув қуроллари, дарсликлар билан таъминлаш масаласи ҳал этилганми?

— Вилоятимиз мактабларида 4 тилда: ўзбек, рус, тожик ва туркман тилларида ўқиш олиб борилади. Жумҳурият Халқ таълими вазирлиги томонидан 1992-93-ўқув йили учун буюртма асосида ўзбек тилида 56 номда 1.835.340 нусха, рус тилида 83 номда 119.630 нусха, тожик тилида 52 номда 69.040 нусха, туркман тилида 20 номда 7120 нусха дарсликлар — жами 211 номда 2 миллион 31 минг 130 нусха дарсликлар олиниши керак. Савдо ташкилотларининг базаларида буюртма асосида олиниши лозим бўлган дарсликлар узлуксиз келиб турибди. Ҳозиргача бу дарсликларнинг 50 фоизи етиб келди, шаҳар ва район халқ таълими бўлимларининг йўриқчиларига етказилаяпти. Лекин барибир дарсликлар учун ажратилган маблағлар ҳозирги кунда эҳтиёжни қоплаяпти. Масалан, баҳоси 1 сўм 70 тийин турадиган 6-синфлар учун «Ўрта асрлар тарихи» дарслиги 24 сўмга кўтарилган. Ёки баҳоси 12 тийин бўлган сиёҳ ҳозир 12 сўм бўлган. Шунга ўхшаш бошқа дарсликлар ва ўқув қуролларининг баҳоси ҳам бир неча баравар ошган. Шунинг учун жойлардаги мутасадди ўртоқлар халқ таълимига ажратилаётган маблағни молия бўлимларига аввалига нисбатан анча кўпайтириб ажратишлари лозим.

Маблағи етишмаганлиги сабабли айрим районлар халқ таълими бўлимлари тақсимот асосида берилган дарсликларни базалардан олиб кетолмаяптилар. Масалан, Муборак, Шаҳрисабз, Китоб шаҳарларида ҳамда Қарши, Косон, Яккабоғ, районларида дарсликлар учун кам маблағ ажратилганлигидан ана шундай ҳол юз бермоқда. Уларга шаҳар, район молия бўлимлари тезда қўшимча пул ажратиб, амалий ёрдам беришлари керак.

Бу йил вилоят матлубот жамияти правлениеси билан вилоят халқ таълими бошқармаси ўзаро келишиб, дарсликларни китоб магазинлари орқали эмас, балки шаҳар ва район халқ таълими бўлимларининг йўриқчилари орқали тарқатадиган бўлишди. Бунда, биринчидан, дарсликларни китоб магазинлари орқали тўғри келган кишига сотиб юборилишига йўл қўйилмайди. Иккинчидан эса — йўриқчиларнинг моддий манфаатдорлиги ҳам ошадиган бўлди. Масалан, ҳар бир йўриқчи агар 10 минг сўмлик китоб тарқатса, у ойлигига қўшимча 200 сўм пул олади. Шуни ҳам айтиш керакки, ҳозирги дарсликлар шу кун талабига жавоб беради деб бўлмайди.

Суҳбатдош
Эргаш ШОИҚУЛОВ.

АВГУСТ КЕНГАШЛАРИ БОШЛАНДИ

МАОРИФЧИЛАР АНЖУМАНИ

Шу йилнинг 15 август куни Р. Шредер номидаги узумчилик ва боғдорчилик илмий-текшириш институти боғида мустақил Ўзбекистон Республикаси пойтахт вилояти Тошкент райони ҳокимияти ва халқ таълими ходимларининг намунавий август кенгаши бўлиб ўтди. Унда республика Халқ таълими вазирлиги мутахассислари, вилоят маорифи вакиллари, хўжалик раҳбарлари, маҳалла қўмиталари раислари, илғор педагоглар иштирок этдилар.

Анжуманни Тошкент райони ҳокими Р. Акбаров очиб, мустақилликнинг биринчи йилида илк бор ўқитувчиларнинг намунавий август кенгашлари ушбу район заминида ўтказилаётганининг бежиз эмаслиги, районда иқтидорли болалар билан ишлашга ҳамда илм масканларида ёш педагоглар билимдонлигига зўр эътибор берилаётгани хусусида гапирди.

Ўзбекистон халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев ўз маърузасида бу анжуманнинг ўзига хос томонлари, миллий мактаб тизимини яратиш масалалари, истеъдодларни танлаб ўқитиш, дастур ва дарсликлар савиясининг айрим жиҳатлари ҳамда бу борадаги танланган йўлнинг афзалликларига кенг ва атрофлича тўхталиб ўтди.

Шунингдек, анжуманда Тошкент райони касаба уюшмаси комитетининг раиси Қ. Жамолиддинова, 11-мактаб директори А. Халилов, район халқ таълими бўлими методисти А. Дерганов, 1-узлуксиз катталар таълими маркази директори М. Мирпўлатов, 17-болалар боғчаси методисти Г. Мираҳмедова, ўқувчи-ёшлар техник ижодиёти маркази директори Ж. Қурбонов, 19-мактаб раҳбари Ҳ. Алиев ва бошқалар сўзга чиқдилар. Улар халқ таълими муассасалари социал-иқтисодий базасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, ўқув-тарбия жараёнини бошқариш ва ташкил этишнинг янгича усуллари ҳамда синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни ташкил этишнинг асосий муаммолари мавзуларида атрофлича фикр юритдилар.

Мухбиримиз.

(Анжуман ҳақидаги батафсил ҳисоботни рўзномамизнинг келгуси сонида ўқийсиз).

Мустақил Ўзбекистонимиз учун малакали мутахассислар тайёрлашда билимдон, иқтидорли ёшларни ўқишга қабул қилиш айни муддаодир. Бунда тест усулларини қўллаш маъқул топилди. Кўпгина олий ўқув юртлари қатори Абдулла Қодирий номли Жиззах педагогика институтида ана шу усулдан фойдаланишга қарор қилинди. Ҳозирги кунда 286 нафар абитуриент тест синовларидан ўтиб, талабаликка қабул қилинди.

— Имтиҳон комиссияси аъзолари, — дейди ўқув юрти ректори Б. Ўринбоев, — бўлажак талабаларнинг танлаган касбига мойиллиги, билим даражасига эътибор бермоқдалар.

Ҳа, ўқувчиларнинг бўлажак устозлари ҳар томонлама билимдон, юксак эътиқодли бўлсалар, ёш авлод тарбиясини янада яхши йўлга қўйиш мумкин. Бунинг учун эса ҳозирдан олий илмгоҳда пухта замин яратилмоқда.

СУРАТЛАРДА: имтиҳонлардан лавҳалар.

У. ҚУШВОҚОВ тасвири.

МУШТАРИЙЛАР ДИҚҚАТИГА!

„Маърифат"га

1993 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БОШЛАНДИ

ОБУНА БАРЧА АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА, ИШ ВА ЎҚИШ ЖОЙЛАРИДА ЖАМОАТЧИ МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИЛАР ТОМОНИДАН ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ф. СД—1

ССЖИ Алоқа вазирлиги «Матбуот» уюшмаси

АБОНЕМЕНТ рўзнома / ойнома "МАЪРИФАТ" 64595 (нашр кўрсаткичи)

(нашр номи) | Обуна сони

1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи)

Кимга

(исми ва отасининг исми бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п. в. жойи

64595 (нашр кўрсаткичи)

"МАЪРИФАТ"

(нашр номи)

Обунани янги манзилга юбориш | Баҳоси | Сўм | Обуна сони | Баҳоси | Сўм

1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(исми ва отасининг исми бош ҳарфлари)

ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ АВГУСТ

ТЕГИШЛИ ХУЛОСАЛАР ЧИҚАРДИК

Янги ўқув йили эшик қоқмоқда. Бундай пайтда, одатда, келажак режалар хусусида фикр юритилади. Лекин шу қаторда ўтган ўқув йилида қилинган ишларни бир бор сарҳисоб этиб олиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Сирдарё вилояти Дўстлик райони халқ таълими бўлимининг методика хонаси мудири А. Дадаев мухбиримизга ўқитувчиларнинг август кенгашлари олдидан қуйидагиларни гапириб берди.

Бирон-бир янгиликни яратиш учун илгари бажарилган ишларга танқидий назар билан қарамоқ лозим. 1991—92 ўқув йилида район услубиёт хонасида 136 та методик хат, хабар ва буйруқ ишлаб чиқилди, илм масканларига юборилди. Мактаб раҳбарлари, рус тили, бошланғич синфлар, тарих, жуғрофия семинарларида муҳокама этилган масалалар, метод бирлашмаларда амалга оширилган тадбирлар чуқур таҳлил этилди. Илғор ўқитувчиларимизнинг иш услубларини оммалаштириш борасида ҳам анча юмушлар қилинди. Энди улар маҳоратининг энг мақбул жиҳатларини август кенгашларида тарғиб қилмоқчимиз. Шунингдек, у ерда муаммоли вазиятларни ҳам ижодкор ўқитувчилар муҳокамасига қўйишни режалаштирганмиз. Ўтган ўқув йилида услубиёт хонаси аъзолари «Ўқувчиларни табақалаштириб ўқитишда самара бўладими?» мавзуси устида ишладилар. Яъни 4-, 11-мактаблардаги «яхши» ва «ёмон» ўқийдиган синфларни қиёслаб ўргандилар. Ҳар икки синфда бир хил дарс ўтиш услубининг қўлланилиши натижасида ўқувчиларда янгиликка лоқайдлик билан қарайдиган ҳолат пайдо бўлди. Чуқур таҳлиллардан сўнг биз келажакда нималарни амалга ошириш зарурлигини биламиз. Балки, кенгашда бошқа муқобил фикрлар туғилиши ҳам мумкин.

Миллий мактаб дастурини яратиш масаласини ўйлаб кўриш лозимга ўхшайди. Миллий мактаб баҳонасида кўпгина илм масканларида ўғил-қизларни ажратиб ўқитишга ҳаракат қилиняпти. Энг аввало, бунга пухта замин яратилмаса, бу жараён компания тусини олиб, таълим-тарбияга зарар етказиши мумкин.

Билим даргоҳлари хусусида ҳам мукаммал ўйланган йўлни танлаган маъқул. Мисол учун, районимизда 21 та комплект ВМ РС—АТ, КОРВЕТ, ДВК туридаги электрон-ҳисоблаш машиналари мавжуд. Буларни ишлатиш учун Тошкент шаҳридаги «Учавтоматика» бошқармаси билан шартнома тузиб, 18 нафар ўқитувчининг малакасини ошириб, қайта тайёрладик. Бироқ у ерда таълим олган муаллимларимиз ушбу техникани тўлиқ ўзлаштира олмаяптилар. Албатта, икки ҳафта давомида уни эгаллаш ва ишга туширишқийин. Бундан ташқари, «Учавтоматика»даги таъмирловчилар — электромеханиклар илм масканларига ойда бир марта ташриф буюришиб, синфларни ўша куниёқ назардан ўтказиб, жуда катта пулни олиб кетишмоқда. Ўқув дастурлари ҳам деярли йўқ. Аҳвол шундай давом этаверса, яқин йилларда қимматбаҳо ЭҲМлар худди киноаппарат ва диапроекторларга ўхшаб мактабларда инвентарь бўлиб ётиб қолиши мумкин.

Шунингдек, ўқитувчиларнинг август кенгашларида дарсликларни ихчамлаштириш, баъзи қийин фанларни соддалаштириш масалалари ҳақида билимдон муаллимларимиз таҳлилий фикр юритсалар, нур устига аъло нур бўларди.

Юқорида тилга олинган таълим ва тарбия жараёнидаги учраётган қатор муаммоларни биз ўтган ўқув йилидаги ютуқ ва камчиликларни сарҳисоб қилиш чоғида пайқадик. Хулоса шуки, келгусида бу каби масалаларни ижодкор педагогларнинг чиғириғидан ўтказгандан кейингина режаларнинг пухта ўйланган вариантини илм масканлари ўқитувчиларига тавсия этамиз.

Суҳбатни мухбиримиз Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ оққа кўчирди.

МАШҒУЛОТДА—ПЕРФОКАРТА

Мен 12 йилдан буён рус тили ва адабиёти фанидан сабоқ бериб келаман. Дарсларни мунозарали равишда ўтишга ҳаракат қиламан. Бу борада қўлда тайёрланган жадваллар, турли хил дидактик тарқатма материаллар, карточкалар, перфокарталар ва ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ўстиришда муҳим ўрин тутадиган турли хил кўргазмали суратлар асқотади.

Машғулот пайтида фойдаланиладиган тарқатма материаллардан бири бўлган перфокарталар ҳақида шуни айтмоқчиманки, бу усул ҳар бир дарсда уй вазифасини текшириш ва ўтилган мавзуни мустаҳамлашда, хулосалашда ва контрол дарсларга тайёргарлик кўришда қўл келади. Перфокарталар ёрдамида 5—7 дақиқада синфдаги ҳамма ўқувчиларнинг билими ҳақида тушунчага эга бўлиш мумкин. Бундан ташқари, у ўқувчиларга ўзларининг меҳнатлари натижасини бир неча дарсдан кейин эмас, балки бир неча дақиқа орасида, яъни шу дарснинг ўзида ҳам билиб олишга имкон беради. Перфокарталарнинг турли хилларидан фойдаланиш ўқувчилардан якка тартибда ҳамда жамоа ҳолда сўраш имконини беради.

Перфокарталарни ишлатиш қуйидагича олиб борилади. Ўқитувчи олдин ҳар хил мавзуга мослаб гапларни ёки сўзларни танлайди. Кейин эса шуларга қараб жадвал тузади ва перфокарталар тайёрлайди. Уларнинг ўлчамлари бир хил, синфдаги ўқувчилар миқдорича бўлиши зарур. Перфокарталардан ташқари, ўқитувчи ўзи учун назорат варақасини тайёрлайди. Текшириш варақасида ҳамма жавоблар тўғри белгиланган бўлади.

Ўқитувчи ўқувчиларга перфокарталарни тарқатиб чиқади (уларга олдиндан перфокарталар билан ишлаш қоидаси ўргатилган бўлиши керак). Кейин эса гапларни ўқий бошлайди. Ҳар бир гап икки мартадан такрорланади. Биринчи марта ўқилганда, ўқувчилар гапларни тинглашади. Иккинчи мартасида эса жадвалга қараб, қайси гапга қарашли бўлса, ўша гапнинг тўғрисига маълум бир белги қўйишади. Кейин перфокартада ажратилган махсус жойга ўқувчининг исм-шарифи ёзиб қўйилади.

Ўқувчилар топшириқни бажариб бўлганидан сўнг перфокарталарни олдинга узатишади. Ўқитувчи ҳамма перфокарталарни йиғиб, улар устига текшириш варақасини қўяди ва ундаги белгилар устидан учли нарса билан тешади. Агар тешиклар ўқувчилар қўйган белги устига тушса, топшириқ тўғри бажарилган бўлади. Агар тешик белгига тўғри келмаса, нечта хатога йўл қўйганликлари саналади ва шунга қараб ўқувчилар билими баҳоланади.

Аъло баҳо олган ўқувчилар дарсда зерикиб қолмаслиги учун уларга биттадан карточка тарқатилади ва улар ўша карточкалар бўйича иш олиб боришади. Топшириқни бажаришда хатога йўл қўйган ўқувчилар билан эса ўқитувчи алоҳида шуғулланади. Хатолар устида ишлаш шу дарснинг ўзида ёки келаси дарсда бажарилиши мумкин.

Г. ҒАППОРОВА,
Қашқадарё вилояти Китоб ноҳиясидаги Ойбек номли ўрта мактабнинг ўқитувчиси.

ТАЛАБЛАР ВА АМАЛЛАР

Инглиз тилида қанча сўзларни билиш, қайси мавзуларда суҳбатлар қила олиш кераклиги ўрта мактаб инглиз тили ўқитиш дастурида кўрсатилган. Ўрта мактаб ўқитиш талабиётида кўп фанларга: она тили, рус тили, чет тилларга оғзаки нутқ ўстириш талаби қўйилган. Дарсларни кузатишда назоратчилар, асосан, шунга аҳамият берадилар. Ўқитувчилар ўқувчиларни шундай, яъни дарсда «чақиллаб» туришга тайёрлайди. Шундагина ўқитиш сифати яхши саналади.

Бошқа фанларга аралашмаган ҳолда инглиз тили ўқитишда бундай талаб асосий эмас, деб ҳисоблаймиз. Чунки муомала зарурати бўлмаганидан ўрганиш даври тугагач, ўрганилган нарсалар унутила бошлайди ва ойлар ўтиб, мутлоқ унутилади.

Чет тиллари институтларига, аспирантураларга кириш имтиҳонлари топшириш учунгина керак бўлиб келаётир. Ёшлар ўз ҳаётларини бу тил билан боғламагач, имтиҳондан ўтгач, уни унута бошлайдилар. Ҳозиргача бизда чет тиллари тор доирада таржимонлар ва экскурсовод-гидлар учунгина ҳаётий зарурат бўлиб келди. Энди эса чет тилларни, айниқса, инглиз тилини билиш ҳаётий заруратга айланмоқда. Демак, эски дастур, услуб, талаб ўзгармоғи, мустаҳкамланмоғи, воситалар сифати яхшиланмоғи зарур. Ўзбекистонда бу фаннинг ёши нари борса 50 да. Бу соҳада тажрибамиз жуда кам. Инглиз тилида биринчи ўзбекча дарслик 60-йилларда пайдо бўлди. Бунгача таржима дарсликлардан фойдаланилди. Ўзбек тилида тузилаётган дарсликлар ҳам рус тилидаги дарсликларга суянган ҳолда тузилаётир. Ўзимизга хос дарсликлар яратилганича йўқ. Дарсликларга мослашган кўргазмали қуроллар, жадваллар, расмлар, грампластинкалар, магнит ёзувларини ҳали учратмаймиз. Ўзимизнинг услубий ойномамиз йўқ. Биз Москвада нашр этилаётган «Иностранные языки в школе» ойномасидан фойдаланяпмиз. Унда баён этилаётган тажрибаларни эса бизда қўллаб бўлмайди. Инглиз тилида нашр қилинган бадиий адабиётлар йўқ даражада. «Инглизча-ўзбекча», «Ўзбекча — инглизча» луғатлари устида иш олиб борилмаган. Кичик луғатлар эса ўқитувчининг ҳам, ўқувчининг ҳам талабини қондиролмайди. Улар камчилик ва хатолардан ҳоли эмас. Бадиий асарни ўқиётганимизда нотаниш сўзни учратиб қолсак, аввал, «Инглизча — русча», сўнг «Русча — ўзбекча» луғатлардан излаймиз. Бу кўп вақтни олади.

Тил ўрганиш лингафонлари бошқа республикалардан келтирилганлигидан уларнинг сифати ёмон. Лингафон тиниқ овоз бермайди, шанғиллайди, чириллайди, бошқариш воситалари салга ишдан чиқади. Уни тузаттириш учун йиллаб кутишга ва нақд пул тўлашга тўғри келади. Лингафон берилади, лента лар берилмайди. Лингафон бериладию, дарсликларга мувофиқ магнит ёзувлар, грампластинкалар топилмайди. Ўқитувчилар магнит ленталарини сотиб олиб, дарсларга мослаб матн тайёрлайдилар. Бу — вақтни олади, мактабда, дарс бораётган пайтда тайёрлаб бўлмайди. Матнларни ёзиш даврида болаларнинг шовқинлари, оёқ товушлари, эшикларнинг ғирчиллаб очилиб-ёпилиши, йўловчи машиналарнинг овозларигача ёзилиб қолади. Тиниқ, тоза овозда матн тайёрлаш учун шароит йўқ. Лингафон учун матнлар умумий қолипда тайёрлаб берилмоғи зарур. Буларни ҳеч ким ўйламаётир, чоғи.

Кабинет мудирлиги учун 10 сўм тўланади. Лингафонда ишлаш эса машаққат. Боз устига лента лар, грампластинкалар сотиб олиш, уни тузаттириш, хонани жиҳозлаш учун ўқитувчи ўзи пул сарфлайди. Президент Фармони билан фақат ўқитувчининг маоши оширилянти. Фан хоналари учун, синф раҳбарлиги, дафтар текширишга тўланадиган ҳақлар ўзгаришсиз қолаётир. Бир ойда бериладиган 6 та дафтарнинг пули (10 сўм)га ким лингафон хонасини бошқаради, ким синфга раҳбарлик қилади?! Буларни ўйлаб кўриш керак.

Ҳеч афзал томонлари бўлмаган ҳолда биринчи йил инглиз тили дарсликлари тўрт маротаба ўзгартирилди. Бironта дарсликдан хурсанд бўлмадик. Ўтган йили қўлимизга теккан Матлуба Худойберганованинг 5-синф инглиз тили дарслигининг услубий ғоялари қувонарли. Бироқ ҳозирги шароитга тўғри келмайди. Дарслик лингафонлар орқали ишлаш учун мўлжалланган. Лингафонларнинг аҳволи эса ночор. Дарсликнинг қўлланмаси ҳали қўлимизга етиб келмаган.

Дарслик қулфланган хазиналар сандиғи бўлса, қўлланма унинг калитидир. Калитсиз Матлуба Худойберганованинг «хазинасини» оча олмаяпмиз. Дарслик тузишда ўқитувчиларнинг истаклари билан ҳисоблашмаётирлар. Дарслик услубий жиҳатдан пухта, кўриниши чиройли, чидамли, ўқитувчи китоби, кўргазмали воситалари, улардан фойдаланиш услублари илова қилинган ҳолда тайёрланиши лозим. Янги дарслик тузиш зарурати туғилганда, Халқ таълими вазирлиги уни режага киритиши, маблағ ажратиши, муаллифларга топшириши, муаллиф тавсияси ва буюртмаларини амалга оширувчи ҳомий корхонани ҳам аниқлаб бермоғи лозим. Дарсликнинг кўргазмали воситалари, қўлланмаси, магнит ва грам ёзувлар тайёр бўлгач, фойдаланишга чиқарилмоғи зарур. Китобларни «қанотсиз қуш» қилиб чиқариш етар энди...

Инглиз тили ўқитишга асосий талаб — ўқувчини мустақил ўргана олиш қобилияти, мустақил тил ўргана билиш, малака ва кўникмаларини ҳосил қилиш, мустаҳкамлашдан иборат бўлсин. Энди рус тили фанини ҳам чет тиллари сафига киритмоқ, рус тили фанига ва ўқитувчиларига берилган барча имтиёзлар барча чет тиллари фанларига, шу фан ўқитувчиларига ҳам берилмоғи даркор. Шундай амаллар рўёбга чиқсагина инглиз тили фанига қўйилган талаблар самарали бўлади.

А. ИСКАНДАРОВ,
Риштон районидаги 4-ўрта мактабнинг олий тоифадаги инглиз тили ўқитувчиси.

Ўқув йили бошланишига, мактаблар бағри тўлиб, билимга чанқоқ ёшларнинг фан кабинетларига шодон бўлиб кириб келишига саноқли кунлар қолди. Тошкентдаги 276-мактабнинг мураббийлари эса бирин-кетин меҳнат таътилларини тугатиб, қадрдон даргоҳларига қайтаяптилар.

СУРАТДА: мактабнинг илғор ўқитувчиларидан бири Шоҳида Солиҳова.

Суратказ Р. АЛЬБЕКОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ 1992—1993 ЎҚУВ ЙИЛИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЎҚУВ ВА ИЛМИЙ-ОММАБОП ТЕЛЕКЎРСАТУВЛАРИ МАВЗУЛАРИ

ФИЗИКА

10-синф

Молекуляр-кинетик назариянинг асослари. Газ қонунлари — 21 сентябрь.

Қаттиқ жисмларнинг хоссалари. Деформация — 26 октябрь.

Иссиқлик двигателларининг ишлаш тамойиллари ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш — 16 ноябрь.

Электродинамиканинг асосий қонунлари ва улардан фойдаланиш — 14 декабрь.

Ўзгармас электр токи ва унинг қонунлари — 11 январь.

Электромагнитизм ва унинг техникадаги аҳамияти — 8 февраль.

Ярим ўтказгичлар ва улар асосида ишлайдиган асбоблар — 8 март.

Термоэлектр ҳодисалар. Вакуумда электр токи — 29 март.

Электролиз қонуни. Электролиз ҳодисасидан ишлаб чиқаришда фойдаланиш — 12 апрель.

Газларда электр токи. Плазма — 10 май.

11-синф

Электромагнит индукцияси — 7 сентябрь.

Механик ва электромагнитик тебранишлар — 28 сентябрь.

Электромагнитик тўлқинлар — 12 октябрь.

Геометрик оптика қонунлари — 9 ноябрь.

Ёруғликнинг тўлқин хоссаси — 7 декабрь.

Нисбийлик назарияси асослари — 21 декабрь.

Ёруғликнинг квант назарияси — 25 январь.

Атом ва атом тузилиши — 15 февраль.

Физика фанининг ишлаб чиқаришни ривожланишига қўшган ҳиссаси — 26 апрель.

МАТЕМАТИКА

5-синф

Натурал сонлар ва уларни қўшиш, айириш — 21 сентябрь.

Натурал сонларни кўпайтириш ва бўлиш — 14 декабрь.

Ўлчов бирликлари. Тўғри бурчакли параллелепипеднинг ҳажми — 11 январь.

Оддий касрлар ва улар устида амаллар — 8 март.

Ўнли касрлар ва улар устида амаллар — 26 апрель.

Мусбат ва манфий сонлар, улар устида амаллар бажариш — 12 октябрь.

Мусбат ва манфий сонларни кўпайтириш — 16 ноябрь.

Рационал сонлар — 15 февраль.

Касрлар. Касрларни қўшиш ва айириш — 12 апрель.

Касрларни кўпайтириш ва бўлиш — 3 май.

ЖУҒРОФИЯ

8-синф

Ўрта Осиё ва Қозоғистон рельефининг асосий шакллари — 7 сентябрь.

Ўзбекистоннинг рельефи, геологик тузилиши, фойдали қазилмалари — 28 сентябрь.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон иқлимининг асосий хусусиятлари — 26 октябрь.

Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг энг йирик кўллари. Ер ости сувлари — 9 ноябрь.

Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг табиий-жуғрофик районлаштирилиши — 7 декабрь.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон тоғларидаги баландлик минтақалари — 21 декабрь.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон чўллари — 25 январь.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон тоғлари — 8 февраль.

Инсоннинг хўжалик фаолияти таъсирида табиий комплексларнинг ўзгариши — 29 март.

Дунёнинг ва Ўрта Осиёнинг табиий харитасида Ўзбекистон — 5 апрель.

Табиий-ҳудудий комплекслар (ТҲК) — 3 май.

Ўзбекистоннинг экологик муаммолари — 10 май.

ИНФОРМАТИКА ВА ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИ АСОСЛАРИ

10-синф

Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари ва унинг жамиятдаги ўрни — 8 сентябрь.

Ахборот. Уни ўлчаш ва кодлаш усуллари — 6 октябрь.

ЭҲМ ва унинг ишлаш тамойили — 10 ноябрь.

Алгоритм ва унинг хоссалари — 15 декабрь.

Алгоритмик тил. Катталиклар устида ишлаш алгоритмлари — 19 январь.

Жадвал катталиклари ва такрорланувчи жараёнлар — 16 февраль.

Тармоқланиш буйруқлари ва алгоритмни формал ижро этиш — 9 март.

Ёрдамчи алгоритмлар — 13 апрель.

МКнинг ишлаш тамойиллари — 18 май.

11-синф

Компьютер, унинг қурилмалари ва таъминоти — 15 сентябрь.

Бейсик, программалаш тили. Унинг алифбоси. Катталиклар — 20 октябрь.

Бейсик тилининг асосий буйруқ ва операторлари — 17 ноябрь.

Бейсик тилининг буйруқлари мавзуси бўйича амалий машғулот — 8 декабрь.

Массивлар ва такрорлаш операторлари — 26 январь.

Қисм программалари — 9 февраль.

Программани таҳрирлаш — 16 март.

График ахборотлар билан ишлаш — 6 апрель.

ЭҲМ халқ хўжалигида — 11 май.

ТАСВИРИЙ САНЪАТ

7-синф

«Ур тўқмоқ» эртаги асосида расм ишлаш — 20 октябрь.

«Бизнинг ҳамюртимиз» мавзусида (Ватан ҳимоясида ҳалок бўлганларга бағишлаб) монумент эскизини ишлаш — 17 ноябрь.

«Фигурали учиш» мавзусида ҳайкалтарошлик ишлари — 19 январь.

«Ўлкамизда баҳор» мавзусида расм ишлаш — 16 март.

Узоқ шимол ўлкалари табиатини идрок этиш — 11 май.

БИОЛОГИЯ

10-синф

Биология фанининг ривожланишига Беруний ва ИБН Синоларнинг қўшган ҳиссалари — 10 сентябрь

Дарвин таълимоти. Тур, унинг критерийлари ва структураси — 1 октябрь.

Яшаш учун кураш формалари — 14 октябрь.

Органик олам эволюциясининг асосий йўналишлари — 26 ноябрь.

Экологиянинг предмети ва вазифалари — 8 январь.

Экологик тизимлар — 5 февраль.

Биоценоз ва агроценоз — 19 февраль.

Табиатни муҳофаза қилиш — 3 март.

Табиатни муҳофаза қилиш. Ўзбекистон қўриқхоналари — 14 апрель.

Биосфера ва унинг чегаралари — 18 сентябрь.

Ҳужайранинг тузилиши — 9 октябрь.

Ҳужайрада энергия алмашинуви — 13 ноябрь.

Оқсиллар биосинтези — 11 декабрь.

Организмларнинг кўпайиш усуллари — 15 январь.

Ирсият қонунлари — 12 февраль.

Ҳозирги замон селекциясининг вазифалари ва ютуқлари — 12 март.

Биотехнология ва ген инженерияси — 16 апрель.

КИМЁ

9-синф

Кучли ва кучсиз электролитлар. Диссоциацияланиш даражаси — 2 сентябрь.

Оддий моддаларнинг тузилиши. Аллотропия — 23 сентябрь.

Олтингугурт ва кислороднинг хоссалари — 1 октябрь.

Сульфат кислота ишлаб чиқиш — 28 октябрь.

Кимёвий реакциянинг тезлиги. Катализ — 2 декабрь.

Д. И. Менделеевнинг элементлар даврий системаси ва унинг аҳамияти — 8 январь.

Кимёвий мувозанат ва унинг силжиш шартлари. М. Шотилья тамойили — 3 февраль.

Азот ва фосфор — 3 март.

Металлар. Саноатда металларнинг олиниши — 14 апрель.

БОТАНИКА

6-синф

Ўсимликларнинг одам ҳаётидаги ва табиатдаги аҳамияти — 3 сентябрь.

Ўсимликларнинг хилма-хиллиги — 17 сентябрь.

Ҳужайраларнинг ўсиши ва бўлиниши — 15 октябрь.

Илдиз-ўсимликларнинг асосий органи — 12 ноябрь.

Баргнинг тузилиши ва унинг аҳамияти — 17 декабрь.

Поянинг тузилиши ва унинг ўсиши — 22 январь.

Ўсимликларнинг вегетатив кўпайиши — 4 февраль.

Гул ва мевалар — 18 март.

Уруғ — 15 апрель.

Ўсимликлар ва табиатда ўзаро уйғунлик — 13 май.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚЛАРИ ТАРИХИ

8-синф

Ўзбекистон ҳудудида қадимги одамлар. Уруғчилик жамоалари қароргоҳлари — 3 сентябрь.

Ўрта Осиё халқларининг мустақиллик учун олиб борган курашлари — 8 октябрь.

Ўрта Осиё ҳудудида феодал жамиятининг шаклланиши (V — IX асрлар) — 12 ноябрь.

IX — XIII асрларда Ўрта Осиё маданияти — 17 декабрь.

Ўрта Осиё халқларининг мўғул истилочиларига қарши олиб борган курашлари — 11 февраль.

Амир Темур давлати — 25 февраль.

XIV — XV асрларда маданий ҳаёт — 6 май.

9-синф

XVI — XVIII асрларда Ўрта Осиёнинг маданий ҳаёти — 22 октябрь.

Ўрта Осиёда мустақил феодал хонликлар. Қўқон хонлиги — 17 декабрь.

Чор Россияси томонидан Ўрта Осиёнинг босиб олиниши ва мустамлакачилик тартибларининг жорий қилиниши — 18 март.

XIX асрнинг охирларида халқларнинг мустамлака тартибларига қарши олиб борган курашлари — 25 март.

10—11-синфлар

XIX асрнинг охири XX аср бошларида Туркистонда ижтимоий, сиёсий, маданий ҳаёт — 24 сентябрь.

Ўзбекистонда жадидлар ҳаракати — 26 ноябрь.

Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаёт — 3 декабрь.

Ўзбекистонда илқилобий тўнтариш. «Қўқон мухтористи»нинг тузилиши, моҳияти, сиёсий оқибатлари — 4 март.

Ўзбекистонда миллий озодлик ҳаракатларининг сабаблари, бошланиши — 1 апрель.

Ўзбекистонда ер-сув ислоҳоти ва унинг оқибатлари. 1921 — 1922, 1925 — 1929-йиллар — 22 апрель.

Раҳбарликда маъмурий буйруқбозлик тизимининг вужудга келиши ва унинг оқибатлари — 20 май.

90-йилларда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаёти — 27 май.

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

11-синф

XX аср бошларида ўзбек маърифатпарварлик адабиёти — 24 сентябрь.

А. Қодирий прозаси — 8 октябрь.

Ҳ. Олимжон лирикаси — 19 ноябрь.

Ғ. Ғулом қиссалари — 10 декабрь.

Абдулла Қаҳҳор — моҳир ҳикоянавис — 7 январь.

Мақсуд Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» фожиаси — 11 февраль.

50—90-йиллар адабиёти — 25 март.

Зулфиянинг Улуғ Ватан уруши йиллари лирикаси — 22 апрель.

Чет эл адабиёти ва замонавийлик — 6 май.

ТАБИАТШУНОСЛИК

5-синф

Табиатни нима учун ўрганамиз — 17 сентябрь.

Ҳаво — инсон, ҳайвон ва ўсимликларнинг яшаши учун энг зарур шартлардан биридир — 15 октябрь.

Сув — ҳаёт манбаи — 19 ноябрь.

Ўлкамиз табиатининг хилма-хиллиги — 21 январь.

Ер ости бойликлари ва улардан фойдаланиш — 4 февраль.

Тупроқнинг ердаги ҳаёт учун аҳамияти — 11 март.

Ўсимлик ва ҳайвонот олами жонли табиатнинг бир қисми — 15 апрель.

Ўлкамиз табиати ва уни муҳофаза қилиш — 13 май.

БОТАНИКА

7-синф

Ёпиқ уруғли ўсимликлар синфининг хусусиятлари — 16 сентябрь.

Икки паллалик ўсимликлар синфига кирувчи оила вакилларининг хусусиятлари — 14 октябрь.

Қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг биологик аҳамияти — 28 октябрь.

Сув ўтлари ва уларнинг аҳамияти — 18 ноябрь.

Бактерияларнинг тузилиши ва уларнинг аҳамияти — 27 январь.

Замбуруғлар — 7 апрель.

ЗООЛОГИЯ

7-синф

Бўғим оёқлилар тури. Ўргимчаклар синфи — 18 сентябрь.

Ҳашоратларнинг турли-туманлиги, аҳамияти — 9 октябрь.

Балиқларнинг турли-туманлиги, аҳамияти ва уларни муҳофаза қилиш — 30 октябрь.

Сувда ва қуруқликда яшовчиларнинг ҳаёт тарзи ва аҳамияти — 13 ноябрь.

Ўрта Осиёдаги судралиб юрувчи ҳайвонлар синфи — 11 декабрь.

Ўрта Осиё қушларининг хилма-хиллиги ва аҳамияти — 15 январь.

Сут эмизувчилар синфи — 12 февраль.

Йиртқичлар туркуми — 5 март.

Туёқли ҳайвонлар — 2 апрель.

Ҳайвонот оламининг аҳамияти ва уни қўриқлаш — 23 апрель.

РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-МЕТОДИКА МАРКАЗИ.

АБОНЕМЕНТНИ ТЎҒРИ ТЎЛДИРГАНИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпелини босиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Рўзнома ва ойномага обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштиришганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан, шунингдек «Матбуот уюшмаси» жадвалидаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

Манзилгоҳ ўзгартирилганида, ойларнинг катакларини ва «ПВ—ЖОЙИ» катакларини алоқа бўлими ва «Матбуот уюшмаси» ишчилари тўлдиришади.

Б-715—15.000.000—91 г.

КЕНГАШЛАРИГА

ЗАРРАЛАР

Мирзачўлнинг нимаси кўп, янги шаҳару қишлоқлари, жаннатул макон гулистонлари. Баҳор нафаси гуркирайди уларда. Сирдарё, бу — водийнинг заркамари, гултожи, дастгоҳлару, хонадонларга нур, ёруғлик тимсоли бўлиб гавдаланади.

Урушдан кейин чўлнинг тинчи бузилди. Ғалаба йўлида бутун борини урушга бериб, чўмичини сувга ташлаб қон қақшаган ўзбек эли ҳам қаддини ростлаши шарт. Ахир илк бор деҳқончилик бешигини тебратган ҳазрати Одам Атою Момо Ҳаволар қутлуғ руҳларини шод этишлари зарурда.' Чўл инъом этажак дон, пахта, оқ денгизлар рўзғорга қаёт, дастгоҳларга хомашё! Ер томирини ушлаб, унинг олтин сандиқларини очиш одамлар иши, «темир одам»лар иши! Бу ҳаётий зарурат бўлса, бошқа жиҳатдан давр сиёсати, қўрқув чорларди одамларни йўлга. Фарғона водийси, Самарқанд, Бухорою Ўратепага, қолаверса, абадий музлик ўлкаларда нажот излаб, қуёшига исинмоқчи бўлиб келганлар ҳам бу ердан қўноқ топди. Кейинчалик уларнинг кўплари корхоналару муҳташам биноларга қўниш учун қанот қоқиб қолишди.

Чўлнинг уйқусини бузганлар кимлар эди? Бўйинтуруқни синдирадиган ҳўкизларни сўнаси чақса бўкиртирадиган Мирзачўлга товонидан ўт чақнайдиган, йигирма қадоқли кетмонини ерга урганида суғотасини синдирадиган Алпомишу Гўрўғлизодалар эди. Булар Ғанишер Юнусов, Лолахон Эрбўтаева, Абдураҳмон Султонов... Улар 20-йиллари совуқ ертўлаларда бўйранинг устида кечалари фонусга керосин мойи солиб, тутунлараро бурқсиб, завод чиқариш курсида ўқишган. Ота-оналари ер билан тиллашиб, уларга деҳқончилик сирларини ўргатишган. Мирзачўлда туб отиб палак ёзишди. Чўл инъомлари уларнинг кўксида қаҳрамонлик тимсоли — Олтин Юлдуз бўлиб гавдаланди.

Ғанишер Юнусов қурултойлардан бирида «менинг етти фарзандим бор. Еттинчиси бу —пахта», деган эди. Томчилардан денгиз ҳосил бўлади, мисқоллардан тонналар! Улар оқ тараб, оқ ювиб уйган ўша минг-минг тонналаб оқ хирмонлар, олтинлар, бошқа бойликлар арзимас нархларда олис ўлкаларга ташиб кетиларди...

Қаламкашлар чўлқуварлар меҳнатини улуғлаб, партияга одалар битганлар. Ўша давр... Мен ҳам масъул топшириқ билан чўлдаги 7-совхозга борганимда, райком секретари ёш бригадирни ургани, одамларни ҳақорат қилгани, ҳаттоки каминани ҳам далада ишлашга мажбур қилгани ҳеч эсимдан чиқмайди. Ўша йиллардаги партия раҳбарининг деспотизми эди бу. Пахта учун курашда қонун улар учун қамчи эди-да. Шундай экан, деҳқонзодаларнинг фарзандларини тарбиялаш, ўқитиш, раҳбарларга мактаб-маориф ҳақида сўз очиш амримаҳол эди ўшанди.

Орадан йиллар ўтди. Вақт тизгини эса олға силжирди. Аммо оталар очган нурли йўллардаги чақиртиканаклару қора доғларни ювишда исёнкор, билимдон ёшлар, зиёлилар етишганди. Улар тўлғоқли ҳаёт қозонларида давр синовларида тобландилар.

Мана ўшандай ижодкор маориф дарғаларидан бири — Гулистон район халқ таълими бўлимининг мудири Ёқубжон Мадаминов. Ҳали мен у билан учрашганимча йўқ. Ҳамроҳим— шу райондаги Абу Али ибн Сино номли 14-мактабнинг машҳур муаллими Набижон Аҳмедов Ёқубжон тўғрисида гап очиб қолди.

— Мухбирларга ҳайронман, — киноя билан гап бошлади у, — улар тез-тез районимизга келиб кетишади. Булбулнинг қулоғидай нарса ёзса ёзади, ёзмаса йўқ. Суратчилар ҳам шунақа. Энг муҳими — масаланинг ичичига кириб боришмайди. Одамларнинг қалбига қўл солишолмайди. Тўғрисини айтсам, Мадаминовнинг раҳбар сифатида қилган ишларини жумҳуриятимиздан ҳали бирор халқ таълими мудири қилмаган десам, муболаға бўлмас. Афсуски, буни Гулистондагилардан бошқа маорифчилар билишмайди.

Унинг нима демоқчи бўлганлиги аён эди менга. Демак, бу ерда бир эзгулик бор. Бир томчи заррада нурли олам акс этади.

«УМИД»ДАН УМИД

Районнинг собиқ раҳбарлари мактаб ишига учинчи масала деб қаралди. Иш услубларида Москва йўриқноналарига чирмовуқдай ёпишганди.

Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ. Ул қаро кунлар эндиликда бир эртакка ўхшаб қолди. Давр ҳам, одамлар ҳам, сиёсат ҳам ўзгарди. Ҳаётга қарашлар ҳам. Ҳайриятки, тинчлик йўли билан Ўзбекистонимиз бошқа давлатлар каби мустақил давлат йўлига кирди. Ўз истиқлол йўлларини белгилади. Тўғри, ҳозирча бир оз иқтисодий қийинчилик, тақчиллик бор. Албатта, ҳар қандай янгилик қарама-қаршиликларсиз ўтмайди. Ҳаммаси ўтиб кетади. Фақат эзгу ишлар қолади.

Эндиликда жойларда қарор топган район ҳокимидан тортиб, Президентгача халқ таълимига асосий эътиборни қаратди. Район ҳокими Тоштемир Исмоилов мактаб ишини ҳам ўз ишим, дейди. Бу ишга ола қаровчиларни хуш кўрмайди. Халқ таълимини ривожлантириш юзасидан кенгашлар, йиғинларда тадбирлар белгилайди.

Район кенгашининг навбатдаги йиғилиши яна мактаб масаласига бағишланди. Президент қарор ва фармонларининг бажарилиши, мактаб жамоалари, мактабгача ёшдаги болалар тарбияси, ўқиш сифати, «Таълим тўғрисида»ги. Қонунни амалга ошириш юзасидан қизғин баҳслар, фикрлар айтилди.

— Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг сессиясида «Таълим тўғрисида» Қонун қабул қилиниши айни муддао. Буни биз кўпдан бери орзиқиб кутар эдик. Бу — давлатнинг мактаб-маориф ишларини эндиликда биринчи режага олганлигининг асоси. Бу — бизга кўрсатилаётган катта ғамхўрликларнинг дебочаси. Қонунни амалга ошириш ҳаммамизнинг виждон ишимиз.

Ёқубжон кенгаш қатнашчиларининг фикрини ифодалагандай бўлди. Унинг фикрларида мактаб ва таълим-тарбия масалалари кечарди. 90-йиллар ўқувчиси — изланувчан, иқтидорли, янгиликни тез қабул қилувчи ёшлар. Улар электрон-ҳисоблаш машинаси ва компьютер техникаси билан тиллаша олади. Районда 26 та мактаб бор. Шулардан 17 та мактабга «Корвет» маркали электрон-ҳисоблаш техникаси сотиб олинди. Улар учун маблағ... Ёқубжон имкониятларни ҳисоблаб чиқди. Чўтни қоқиб қараса, халқ таълими бўлимидан ярим миллион сўм чиқар экан. Бошқа ташкилотлар ҳам бу ишга бош қўшдилар.

Мактаб қурилишлари-чи? Муҳим масала. Бу соҳада Ёқубжон район муаллимларининг сардори сифатида ўкинмаган, ўкинмайди ҳам. Ишлари беш. Энг муҳими, муомала маданияти, раҳбарлар билан тил топиб ишлашда қолган. Жумҳуриятимизнинг кўпгина вилоят ва районларидаги мактаблар билан оталиқ ташкилотлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик базаси номигагина бўлиши ҳам сир эмас. Гулистонда эса бундаймас. Район ҳокими билан халқ таълими бўлими ўз ҳудудларида мактаблар жойлашган жамоалар раҳбарлари билан ўзаро ҳамкорлик шартномаларини имзолашган. Мактаб қурилиши, таъмирлаш ишлари, ўқитувчиларга ғамхўрлик, ёрдамлар кўрсатиш сингари долзарб масалалар жамоалар раҳбарлари зиммасида. Улар режа билан, фикр билан етти ўлчаб, бир кесишади. Мактабларни ўз нурхонам, ўқувчиларни эса фарзандларим, дейишади улар. Мактаб қурилишига маблағ сарфлашда ҳам жонфидолик қилишади. Ўтган ўқув йилида 7- ва 18-мактаблар учун 422 ўринли янги мактаб бинолари, 30-тўлиқсиз ўрта мактаб учун 298 ўринли бино қад ростлади. Бугина эмас, яна ўнта шундай мактабнинг янги синфлари ўқувчиларни кутмоқда. Бу район мактаб қурилишида мисли кўрилмаган катта янгилик. Бундай бағрикенгликдан қувонмай бўладими, ахир?

— Халқ таълими бўлими иш услубида кейинги йилларда қандай янгиликлар қилдингиз?

Вилоятдан келган вакилнинг дабдурустдан берган саволи Ёқубжонни ҳаяжонга солди. Бир оз ўйга толди. Таълим-тарбия жараёнларини яхшилаш юзасидан ўтказган тажрибаларинимми, саводхонликни ошириш хусусидаги амалий ишларинимми, хуллас, кейинги ишлар самараси ҳақида айтгани маъқул.

Фикрлари нурланди. Дифференциал, табақалаштирилган таълим тизими... Унинг моҳияти самараларидан мактабларни кўздан кечирганда воқиф бўлганмиди? 5 ва 14-мактаблар тажрибаси халқ таълими бўлими кенгашида оммалаштирилмадими? Фанларни чуқурлаштирилган гуруҳларда ўрганишда нималарга эришилди? 1, 2, 3-мактаб жамоаларида «йилт» этган учқун равшан ёниб, бошқа жамоаларга йўл олди.

Таълим ва тарбия сифати деярли ҳамма мактабда нурланди-ку? Улардан энди соя қидиришга ўрин йўқ.

Мактабларда энди илмий мудир янгича фикрлайди. У энди дарсларнинг йўриқномаси, соат тақсимотларидан ташқари йирик саноат корхоналаридаги каби таълим-тарбияда умумий диспетчерлик пультини ҳам бошқаришга қодир эмасми? Бошқалар бу ҳақда ўйлайдими, йўқми, бироқ Мадаминов ўз иш услубида мактабни бошқариш тенгламасини ишлаб чиққанига кўп йил бўлди. Тенгламанинг формуласи, ечимлари аниқланган.

Ёқубжон ишлаб чиқариш кенгашларидан бирида дилида ўйлаб юрган бир янгликни ўртага ташлади. Илмий бўлим — диспетчер, илмий бўлим — услубчи! Бу халқ таълимида маорифга раҳбарлик қилишнинг янгича иш услуби. Унинг мақсад ва вазифалари хусусида кенгаш аъзоларига сўз очди. Ҳамма ҳангу манг. Бири маъқулласа, бири елка қисади. Бирининг чекка томирлари бўртади. Ажабо, Ёқубжонга нима бўлди ўзи? Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган янгилик ҳақида гапиради нуқул. Бошқалар қилган ишларни районда такомиллаштирса бўлмайдими? Қаердаги ортиқча иш усулларини ўйлаб топади-я. «Йўқ, ундай эмас, — дейди бири. — Раҳбар янгиликка интиляпти, изланяпти. Ҳарқалай, унда янги ғоялар тизими бор. Уни қўллаш керак!».

Унинг фикрларига кимдир сув сепди. Кимдир чўғни пуфлаб, учқунлантирди. Учқундан фикрий-услубий шуъла гавдаланди. Мактабларда синовдан ўтди бу янгилик. Натижаси беш! Шундай қилиб, Гулистон районидаги 26 та умумтаълим мактабига юшган минг яқин муаллим тарбия ва таълим бераётган 10,5 минг ўқувчини бошқаришда илмий мудир-диспетчер, илмий мудир-услубчи ғоялари мактабларда нурланди, ўзига кенг йўл топди.

Педагогика жамоалари ўртасида бошланган ўзаро ҳамкорлик самаралари, район, вилоят ва жумҳуриятда ўтказилган олимпиадаларда Гулистон мактабларининг ғолиблари, 12 та боғча ва 4 та мактабдан ташқари болалар муассасаларида амалга оширилган ишлар якуни, қувончли ишлари хусусида гапирмаса ҳам бўлар.

Кенгаш қатнашчилари бир-бирларига қараб: «Мадаминов ташкилотчи раҳбар, янгилик ижодкори», деб қўйишарди.

Ишлаб чиқариш кенгашида район халқ таълими бўлимининг янги ўқув йили режалари маъқулланди. Мадаминов яна бир муҳим масалани ўртага ташлади.

— Тоштемир Исмоилович, — унга юзланиб мақсадини ошкора изҳор этди Ёқубжон ҳаяжон билан, — аввало, сизларнинг қимматли вақтингизни олаётганим учун узр, — одоб юзасидан кенгаш аъзоларига мурожаат қилгандай бўлди. — Даврмиз биздан жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида ёшларни ўқитиш, етук мутахассислар тайёрлаш, илғор тажрибаларни ўрганиш ва уни ҳаётимизга татбиқ этишни сўраяпти. Бунинг масъулияти, энг аввало, мактаб ва маорифчиларга тушади. Мен кўпдан бери район ҳокимияти қошида умидли болалар мактабини очиш ҳақида бош қотиряпман.

«Унинг мияси педакадемиями, дейман, мунчалар янги ғояларга ўч бўлмаса!» Кўпчиликнинг қалбида шундай фикрлар кечди. У очилажак умидли болалар махсус мактабининг мақсадини ўзича асослашга тутинди.

Район мактабларида кўп бўлган, дарсларга қатнашган, ўқитувчи ва ўқувчилар билимларини синаган, кўп нарсаларни ён дафтарига битган эди. Нурхоналарда иқтидорли ва истеъдодли болалар анчагина. Уларни танлаш ва махсус дастур асосида таълим-тарбия бериш орқали қобилиятларни янада танлаш йўли билан районда мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжларни қондирса бўлмайдими? Ахир улар ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида келгуси тараққиётнинг пультларини бошқаришади. Нега бу ишни ташкил этиш мумкин эмас? Уни фақат ҳокимият қўлласа бўлгани.

— Бу ишни қўллаб-қувватлайсиз деган умиддаман, — Мадаминов унга илтижоли оҳангда таъкидлади.

Ҳокимнинг чеҳраси ёришди.

— Ташаббусингиз, ғояларингиз маъқул,— деди у мулоҳаза қилиб. — Сизлар қандай қарайсизлар бу ишга, — у бошқаларга савол назари билан нигоҳ ташлади. Мадаминовнинг ғояларини маъқуллаётганликларини бошқаларнинг ёниқ юзларидан сезиб олиш мумкин.

Тоштемир Исмоилов гапида давом этди:

— Ўртоқлар, — деди у босиқ оҳангда, — Ёқубжоннинг ғоялари умидбахш ғоялар. Аммо маблағни қаердан топамиз?

Сиз ташвиш тортманг, хўжалик жамоалари сизга ҳамкор бўлади, дегандай одамлар бир-бирларига қараб қўйишди.

Ёқубжон бир томонини ҳазилга олиб: «Умидли болалар махсус мактабининг ўқувчилари сизларнинг болаларингиз, бир ёқадан бош чиқариб шу мактабни очайлик, мактаб жамоаларидан пул йиғайлик», — деб қўйди.

Ёқубжон кенгашдан мамнун чиқди.

Шу йилнинг 20 июлида Гулистон район ҳокимияти умидли болалар махсус мактабини очиш тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорда Мадаминовга масъул вазифа юклатилди. Махсус мактаб тизимини у ишлаб чиқиши шарт. Унда ўқитиладиган фанлар йўналиши, дастурини тузиш, синф-комплектлар сонини аниқлаш, унинг моддий базасини яратиш, дарслик ва методик қўлланмалар, етук педагог кадрлар билан таъминлаш масалалари унинг фикр-ўйларида. Очиладиган махсус мактаб ўқитувчиларига оддий мактаб муаллимларига қараганда 25—30 фоиз миқдорида қўшимча иш ҳақи тўланади. Мактаб янги ўқув йилидан иш бошлайди. Ташкилий жиҳатлар деярли охирига етиб қолди. Умидли болалар мактаби номини нима деб аташ керак? «Умид» деб атаса-чи? Бошқа мактаблар ўқувчилари умидли эмасми? Ҳаммаси ҳам умидли, айниқса, иқтидорлилар. «Умид»дан умид кутади одамлар!

Палагинг тоза, кўнглинг пок, одамларга ниятинг холис бўлса, эзгулик истасанг, топасан, қоқилмайсан ҳаётда. Ёқубжон ҳаёт саҳифасига битилган айрим воқеаларни бир-бир кўнгил кўзгусидан ўтказа бошлади.

ИЗЛАНИШ

Ёқубжоннинг киндик қони Гулистондаги собиқ «Қизил тонг» колхози хонадонига тўкилган. Отаси Мадаминбобо Қўқон мадрасасига мударислик қилган, илмли эди. У оиласи билан инқилобдан кейин турмуш кечириш учун Бешариқ билан Гулистон йўлларида кўп кезган. Беш ёшида етим қолган Ёқубжон гоҳ акаси, гоҳ холаси Лолахон Эрбўтаева, тоғаси Абдураҳмон Султонов қўлида тарбияланди. Улар чўл қувиб, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари бўлганларида Ёқубжон мактаб ёшида эди.

У аввалига Гулистондаги ҳозирги Алишер Навоий номли мактаб партасида онгини чархлади. 60-йиллари Тошкентдаги самолётсозлик ҳунар-техника билим юртини тамомлаб, слесарь-йиғувчи, сўнг Тошкент давлат университети филология куллиёти талабаси, Ватан солдати бўлди. Ҳарбий хизматдан қайтгач, Гулистонда муаллим, директор ўринбосари, сўнг собиқ район аппарати ходими бўлди.

Бордан юқади. Унга отасидан юққанди. Райкомда ишлаган кезлари у партократлар йўлини тутмади. Кўп вақт бошида калтак синса ҳам, тўғрилик ва ҳалолликни айтди. Ундан қутулиш йўли бошқа ишга ўтказиш. Партия сиёсати шунақа эди ўша йиллари. 1983 йили райком уни маорифчилар сардори қилиб ишга тайинлади. Гўёки бу унга партиявий жазо эди. Аммо Мадаминов партократлар ўйлаганича бўлмади. Аксинча, у...

Ишга шўнғиб кетди. Мактабларни кезганида, уларнинг ишларини обдон ўрганганида, район халқ таълими бўлимидаги муаммолар харсанг тошлардек намоён бўлди-қолди. 26 та мактаб, 12 та боғча, 4 та мактабдан ташқари муассасада ўқув, тарбия ва таълим ишлари ўлда-жўлда. Наҳотки собиқ мудир шунчалик ёмон ишлаган бўлса? Нималар қилди, қаерга қаради у?

Қишлоқ хўжалигида-ку қўшиб ёзишлар бўлган. Наҳотки бу касаллик мактабга ҳам тарқалган бўлса? Ҳужжатларда 500 ўқувчи кўп кўрсатилган. Бу 23 та синф комплекти дегани. Амалда-чи? Мактаб раҳбарлари йўқ болаларни рўйхатда тиклашган. Йўқ кабинетлар учун мудирлар рўйхатини райОНОга беришган...

Ўқитувчилар ўртасидаги ёзишмалар, иғвогарликлар-чи? Собиқ райОНО мудирининг иш услубидаги бюрократик муносабатлар-чи? Бир ойда бир марта ўтказиладиган директорлар кенгашида наҳотки 30—40 тадан масала кўрилса-я. Уч-тўрт кунга чўзилади кенгаш.

Мажлисбозлик чуқур илдиз отганди ўшанда.

Таълим соҳасида-чи? Наҳотки юқори синф ўқувчиси ариза ёзишни билмаса? Аризада муаллимларнинг ўзлари грамматик, стилистик хатоликларга йўл қўйса-я? Демак, ўқувчи ҳам, ўқитувчи ҳам анча саводсиз. Асосий муаммо — саводхонлик!

У чуқур ўйга толди. Хаёлида фикрлар тизими кечаяпти. Ўзи-ку кўп йил муаллим ва раҳбар бўлган. Аммо у ишлаган мактаб жамоасида ҳар куни болалар вақтни бекорчилик билан ўтказмаган. Аҳлоқий бузуқ, мажруҳ бўлмаган муаллимлар. Халқ таълимига мудир бўлгач, минг турфа одамлару лоқайд ўқитувчи ва ўқувчиларни энди кўраяпти. Уларнинг кўпчилигида тафаккур бой берилган. Наҳотки шундай?

Ўрта умумий таълимнинг мағизини чақади. Таълим бўйича муаллим ҳамма болани яхши ўқитиши, билимдон қилиб тарбиялаши шарт. Педагогика фани мактабларни янги мазмундаги таълимга ўтказиш асосларини ишлаб чиқди. Аслида бу иш қандай аҳволда? Мактабларни текширганида, икки манзарани кўрди. Ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам саводсиз. Ўрта мактабнинг ҳар бир ўқувчиси мустаҳкам билим олаяпти деб ким кафолат бера олади? Биринчи синфдан ўқувчиларни, ўрта, кучсиз, кучлиларга ажратишга ўрганиб қолмадикми? Бундай ажратиш 11-синфгача давом этади. Унинг кузатишларига қараганда, фақат кучлилар сони бора-бора камайиб борди, ўрта ҳамда кучсизлар эса кўпая боради. Бунинг сабаблари нимада?

Янги ўқув дастурлари қийин бўлишига қарамай, уни ўқувчилар ўзлаштирса бўлади, деган қарашлар бор. Лекин Ўзбекистон шароитида... Бизда шароитга муҳтож мактаблар кўп. Муаллимлар асабий. Демак, ўрта мактаб ўқувчисига мўлжалланган ўқитиш усули ўз вазифасини бажара олмаяпти. Кучлилар бу вазифаларни осон бажаради, кучсизлар эса бажара олмаяпти. Жамиятнинг экспериментал услуби эса ҳамма болаларнинг мактаб программасини ўзлаштиришга қурблари етади деган фикрга асосланган. Умумий ўрта маълумот ҳақидаги қонун худди шунга асосланган.

Мактаб муаллими, у ҳар қандай ижодий услуб ва малакасини ишга солишидан, ҳар қанча билимдон бўлишидан, қайси фандан дарс беришидан қатъи назар, у асосан мураббийдир. Хўш, ўзинг кимсан? Мактабдаги тил ва адабиёт мураббийси эмассан. Энди райондаги 26-мактабнинг мингдан ортиқ мураббийларининг катта мураббийсисан, сендан улар ташкилотчилик, тадбиркорликни, ғоялар тизимини, янгиликларни кутади. Қўлингдан келармикин, шунча ишларни қилиш? Энди сенга район мактаблари ҳаёти, таълим ва тарбия сифати беш қўлдай аён. Ютуқлар ҳам бор, лекин саводсизлик муаммоларини қандай ечишинг мумкин? Ўқувчиларни кучли ва кучсизларга ажратишяпти. Уларнинг мураббийлари ўртасида ҳам шундайлар кўп. Лекин кучлилари ҳам, кучсизлари ҳам бир хил маош олишади. Нега уларнинг сарагини саракка, пучагини-пучакка чиқариш мумкин эмас? Билим, маҳорат ва тафаккурига қараб нега тоифаларга ажратиш мумкин эмас? Қандай қилиб?

Олий математика фани фанларнинг қулфи, бу қулфда олам сирлари яширинган. Сирлар тилсимларининг калити — илмий-педагогик тафаккур, фикрий чақмоқлар, ақл кучи, фикрзаковат билан иш кўриш. Бугунги кунда фақат математик, физиклар эмас, балки лириклар ҳам, раҳбарлар ҳам формулалар билан ишлайдиган бўлиб қолди. Сен аслида тил ва адабиёт ўқитувчисисан. Бадиий асарда ҳам формулалар борми? Бўлганда қандоқ. Асар материалидаги ўзаро алоқадорликни топиш фактлар билан эмас, балки ана шу алоқалар билан иш юритиш каби ўзига хос санъат формуласи бор унда. Демак, сен адабиётчи сифатида кўп нарсаларга интилмайсан, балки кўп нарсалардан энг муҳимини излайсан. Шу муҳим нарса билан қолган нарсаларни ҳал этасан.

Демак, ана шу ҳал этиладиган тенглама ва унинг илдизлари қандай? Уни қандай яратиб, қандай илдиз чиқариш ва уни қандай ечиш мумкин? Илдиз — тарбия, унинг қўшилмаси — таълим, ечими — маҳорат калити! Бу формулани халқ таълими раҳбарлик услубига талқин этса бўлармикин? Қайси йўллар билан?

«ДЕСАНТ»ЧИЛАР

...Унинг фикрлари ойдинлашди, фикрий жумбоқлар ечилгандай бўлди. Ниҳоят, ишлаб чиқариш кенгашида бир қарорга келишди. Улар бошланғич синф ўқитувчилари ва юқори синф муаллимларидан давлат қабул синовларини ўтказишлари зарур. Бу янгиликларни кимлар қандай қабул қилар экан? Бундан кузатилган асосий мақсад — ўқитувчиларнинг билими, маҳорати, ўз касбига лойиқ ёки нолойиқлигини аниқлаш. Энг муҳими, уларда касбга масъулиятни ошириш, тоифаларга бўлиш, моддий манфаатдорликни ошириш... Комиссиянинг раҳбари ва аъзолари қилиб район мактабларидан энг билимли ўқитувчилар танланди. Улар дадил ишга киришди. Унинг натижаси қандай бўлди?

Орадан бир ҳафта ўтгач, район халқ таълими бўлимининг кенгаши чақирилди. Группа раҳбарлари ҳисобот беришди. Кимлар шод, кимлар эса...

Бошланғич синф ўқитувчиларидан она тили бўйича олинган диктантда бир неча юз ўқитувчи қатнашди. Улардан кўпчилиги ёзма ишдан аъло ва яхши баҳо олганликлари таъкидланди. Демак, уларнинг асосий қисми ўз касбининг саводли кишилари деб топилди.

Аммо айрим мактабларнинг бошланғич синф ўқитувчилари ишидан қониқишмади. Нега? Наҳотки болалар ҳам, муаллимлар ҳам шунчалик саводсиз бўлсалар? Уларга қўйилган баҳолар... Бу ерда ишлаётган айрим кишилар муаллимликдан тарбиячиликка туширилса не ажаб. Уларнинг исми-шарифларини келтириш...

Бошланғич синфларда она тили ва математикадан олинган ёзма ишлар ва ўқиш тезлигини аниқлаш қандай бўлди? Рақамлар тилга кирди. 3314 бола қатнашди. Улардан 833 ўғил-қиз қувноқ. Билими беш! 125 бола мулойим жилмаяди. Бу жилмайишда баҳоси «яхши» деган маънони уқиш мумкин. Қолганлари...

Математика фанидан ўтказилган давлат қабули қандай натижа берди? 3385 бола математик амаллар билан банд бўлди. Фикр чақмоқлари, тафаккур кучи уларнинг онгида «йилт» этган нурдек акс этди. Ечимлар намоён бўларди. Комиссия аъзолари фикрларида. Қойил, 909 бола «беш» баҳо олган! 1596 киши «яхши», 647 бола ўртача билимга эга. Ҳарқалай, қувонса бўлади бу рақамлардан. Демак, болалар билими ҳам, ўқитувчи маҳорати ҳам чакки эмас. Математика ўқитувчиси ва болалар билимидан қониқмай бўладими?

Юқори синфлар ўқитувчиларининг билим, савияси қандай? Ўқувчиларики-чи? Улар Менделеев жадвалидаги элемент хоссалари, кимёвий ечимларни ўзлаштиришлари-чи? Бу фан муаллимлари ва бўлажак кимёгарлар билимларига қандай баҳо бериш мумкин? Комиссия Ёқубжон тузган формулани амалий жиҳатдан қандай ҳал қилди? Буни кимё фанидан олинган қабул синови ҳал қилди, 702 ўқувчидан 52 киши «аъло», 20 киши «яхши», 185 бола ўртача баҳоланди.

Энг юқори тоифали кимёгар ўқитувчилар кимлар бўлди? Навоий номли 2-мактабдан Аҳмаджон Ҳамдамов, Беруний номли 5-мактабдан Ҳасанбой Қўрғонов... Уларнинг номларини яна санаш мумкин.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, Абу Али ибн Сино номли 14-мактаб муаллими Набижон Аҳмедов ҳақида (мен кейинчалик унинг тўғрисида ёзиш ниятим бор) район тил ва адабиёт ўқитувчилари ўртасида «энг даҳшатли десантчи» деган гаплар юради. Бу гапда жон бор. Шамол бўлмаса, дарахтнинг шохи тебранармиди?

Набижон юқори синф тил ва адабиёт ўқитувчилари ва болалардан ёзма ишлар олиш бўйича давлат қабули комиссиясига киритилган эди. Бир қанча мактабда мутахассислиги бўйича касбдошларини элакдан ўтказди. 137 муаллимдан атиги икки киши унинг элагида эланмади. Ёзма ва оғзаки беллашувларда ундан устун келса келдики... фикри ҳам, дарс бериш санъати ҳам аъло. 27 кишининг дарс бериш методи ва диктант ишлари чироқ билан қидирса ҳам кўп нуқсон тополмаса, не ажаб. Яхши баҳони ўртача ёки ёмон деб кўрсинчи. Қолганлари эса унинг «десантчи ҳамлалари» талабларига дош беролмади. Унда ўқиётган болалар устози чийриқларидан ўтавериб, ўрганиб қолишган.

Муаллим ва ўқувчиларнинг билим ва маҳоратларини синашда, таълим ва тарбия самарадорлигини оширишда унинг бундай иш юритиши ижодкор раҳбар эканлигидан далолат беради. Бу янгилик халқ маорифини бошқаришда, иқтидорли ва иқтидорсизларни аниқлашда аҳамияти беқиёс. Эндиликда муаллимлар ҳам, ўқувчилар ҳам уйғонди. Масъулиятни тушунди. Илм олиш ва касб танлашда компас бўлиб хизмат қилишини тажрибада кўрди Ёқубжон!

Янгилик болалади. Уни мактабларарo алоқадорликни мустаҳкамлашга, тажриба алмашиш мақсадида ҳам жорий этса бўлмасмикин? Ахир бири-бирига шогирд ва устоз бўлса қандай яхши! Бу ғоя ҳам изсиз қолмади. Бир мактаб ишини иккинчи бир мактаб жамоаси текширса, ўзи билмаган дунёни кўради, ютуқлар ҳам, камчиликлар ҳам ойдинлашади. Бири-биридан ўрганади, ўргатади. Фақат фойда бу!

Шу йил май ойида ибн Сино номли мактабни Навоий номли 2-мактаб жамоаси текширувдан ўтказди. 14-мактабдан Набижон Аҳмедов 2-мактабга таълим-тарбия ишларининг қандай йўлга қўйилганлиги билан қизиқди. Унинг кўз ўнгида бир қанча янгиликлар гавдаланди. Ғолиб ўқитувчилар аниқланди. 14-мактабдан Маҳбуба Қодиржонова, Маърифат Тожиқулова, Гулнора Оқбўтаева, Ҳурбувиш Оқбўтаева, Дилором Шодибоева сингари муаллимларнинг ишларидан кўнгиллари тўлишди. Улар энг яхши ўқитувчилар деб топилди. Уларнинг моддий манфаатдорликлари яна оширилса, ажаб эмас.

ҲАМКОРЛИК ПЕДАГОГИКАСИ

Ёқубжон Мадаминов район халқ таълими бўлимига яқин ўн йилдан бери раҳбарлик қилади. Шу муддат ичида у иш услубида бир қанча янгиликлар қилди. Саводхонлик оширилди, таълим-тарбия сифати ҳам. Бу ишга ички органлар ходимлари ҳам жалб қилинган. Жиноятчиликка, майда безоригарчиликка бутунлай барҳам берилган. Маҳаллалар қариялари, ота-оналар ҳам тарбия ишларига фаол қатнашадилар. Уларнинг айримлари тарбиявий соатларда болаларга аҳлоқ-одоб хусусида панду насиҳатлар қилишади, «Одобнома» дарсларига жон киритишади.

Ёқубжонни бир масала қийнарди: ўсмир 15-16 ёшга етганда... Йигит ва қиз бир-бирига севги хатлари ёзиши, бир-бири билан кўз қисиши, ҳаттоки... кўзи қонга тўлиб, ўзини қаерга қўйишини билмай қолганда ҳар иш бўлиши мумкин. Айниқса, 10—11-синфда жисмоний тарбия дарсларида гулдай қизлар спорт кийимида машқларни бажариши эркак бадантарбия ўқитувчисини ҳам, ўғил болаларни юракларини ҳам ўйнатмайдими? Бу Шарқ педагогикасига, аҳлоқ-одобига бутунлай ёт-ку? Бу хусусда Ёқубжонга баъзи ота-оналар шаъма қилишгани ёдида. Матбуотда ҳам қимматли фикрлар айтилмоқда. Ахир одоб ҳам, севги ҳам ибо билан! Мактабда бирники мингга, мингники туманга урса нима бўлади? Ҳарқалай, юқори синфларда ўғил болалар билан қизларни бир синфда ўқитиш тўғри бўлмас. Эндиликда мустақил Ўзбекистон ўзини таниб, миллийликка, Шарқ одобию аҳлоқига қайтаяпти.

Ўтган йилдан бошлаб 17-мактабда 10—11 синфлардаги ўғил ва қиз болалар алоҳида-алоҳида синфларда ўқитилди. Ўқитувчилар ишнинг натижасидан хурсанд. Болалар ҳам қониқиш ҳосил қилишди. Ота-оналар ҳам. Эркак муаллимлар дарс берадиган бадантарбия машғулотларидан қизлар озод қилинди. Айни муддао. Янги ўқув йилидан бошлаб бу тажриба бошқа мактабларга ҳам кириб бориши табиий.

Ҳамкорларинг кўп бўлса, юкинг ерда қолмайди, бошқаларга юзингни сарғайтирмайсан ҳам. Мадаминов жумҳуриятимиздаги юзлаб мудирлардай мактаб қурилиши, таъмирлаш масалаларида куйиб-пишиб юрмайди. Негаки, унинг ҳамкорлик педагогикаси, иш услублари райондаги пахтакор, чорвадор хўжаликлар жамоаларига ҳам кириб борганига кўп йил бўлди. Мактаблар қурилиши, таъмирлаш ишлари масъулиятли жамоалар раҳбарлари зиммасида, смета тузиш, маблағ ажратиш, замонавий мактаблар қуришга ўшаларнинг ўзлари бош-қош. Бугина эмас, улар ўз жамоалари ҳудудига жойлашган мактаблар муаллимларини мукофотлашни ҳам йўлга қўйганлар. Ўқув йили тугаши олдида Навоий номли жамоа хўжалиги раиси Тўйчи Мирзаев охирги кўнғироқда таътилга чиқаётган муаллимларга 100 сўмдан мукофот пули бериш тащаббусини бошлаб берди. Гул-гулдан ранг олади. Бу бошланма барча хўжаликларга тарқалди. Мингдан ортиқ муаллимга жамоа томонидан юз сўмдан мукофот берилди. Икки йилдирки, аълочи ўқувчиларни раислар томонидан стипендия билан таъминлаш йўлга қўйилган.

Колхозлар билан мактаблар жамоалари ўртасидаги алоқа, ҳамкорлик чуқур илдиз отди. Болалар — келажагимиз, улар раислар эътиборида. Ўтган икки-уч йил давомида райондаги 4, 5, 7, 12, 25, 28, 9,30-мактаблар янги биноларга кўчиб ўтди. Уларни хўжаликлар раҳбарлари қуриб беришди. Янги ўқув йилидан бошлаб район мактаблари типовой биноларга эга бўлади, дарслар бир сменага ўтказилади. Мана бу самарали ишлар натижаси ҳамкорлик педагогикаси мевалари, Мадаминов ғоялари. Ёқубжондан бошқа халқ таълими раҳбари бундан ортиқ салмоқли ишларни қилолмаса керак.

Ўқитувчи — дарс ижодкори. Демак, у ўз йўлини яратади. Мактаб ишида хусусий ҳолатлар умумийликнинг таянчи ва мулкига айланади, оддийликдан мураккабликка кўтарилиб боради. Аксинча, кичик нарсаларга эътибор бермайдиган раҳбар бора-бора инқирозга учрайди. Йўқ, хира учқундан равшан билим сари интилган раҳбару ходим фақат топади. Ёқубжоннинг юрагида пайдо бўлган чўғ учқунлади, у алангаланаяпти. Фақат қўрқмай, эркин фикрлаб, ўша чўғдан гулхан ёқа билиш керак. В. Маяковский ёзганидек, «Баъзан ҳаёт кўринади ўзга кесимда. Арзимас чўғ олов бўлар бир зумда». Барча улуғ одамлар, ватанпарвар, ўз касбининг фидойилари ҳаётнинг ана шундай қайноқ бағрига — кесимига интилганлар. Ёқубжон Мадаминовнинг танлаган йўли ҳам ана шу оловли кесим. Зиёкор ҳазратлари, унинг кесимларидан чиқаётган

Шарқ тарихи

Сардор МАҲМУД

Инглизчадан Жамолиддин Ҳамдам ва Шариф Холмурод таржимаси

Ал-Валид (705—715-йиллар). Испанияга бостириб кириш (712 йил). Абдул Малик ўрнига тахтга унинг ўғли ўтирди. Отасига мусулмон дунёсидаги турли унсурларни бирлаштиришга тўғри келган бўлса, унинг зиммасига Исломнинг илк босқичида бундан ҳам мароқли воқеалар, ал-Мағриб ва Испанияни босиб олиш ташаббускори бўлиб тушди. Ифриқияни тинчлантириб, барбарларни бостирган Ҳасан ибн ал-Нўъмондан кейин бу вилоятга ўткир зеҳнли ва иззатталаб зот Мусо ибн Нусайр ҳоким бўлди. Бу унинг ал-Мағрибга, ҳозир Жазоир ва Марокаш деб аталаётган мамлакатларга юриши арафасида юз берди. Шу зафари эвазига у халифанинг саҳий мурувватига сазовор бўлиб, Мисрдан ғарбдаги бутун ҳудудни ташкил қилувчи жуда катта ўлкага қиролнинг вазири этиб тайинланди. Маволилардан бўлган Ториқ исмли лашкарбоши унга совға сифатида берилиб, ал-Мағрибнинг ғарбий қисмига — ҳозирги Рокко шимолида жойлашган минтақага ҳоким қилиб белгиланди. У Танжарни пойтахт этиб танлади. Кунлардан бир кун ўз ҳокимиятини мустаҳкамлай олмай қийналаётган Испания қироли Родорикка қарши исён кўтарган машҳур испан фуқароси Коунт Юлиан унга мурожаат қилиб қолди. 711 йили Ториқ 7000 кишилик қўшини билан кўрфазлар оша денгиз сафарига чиқиб, ўзи шарафига Жибал ат-Ториқ, яъни «Ториқ тоғи», деб номланган баҳайбат қоя олдидаги қўналғада тўхтади. Кейинчалик бу ерни оврупоча йўсинда Хибралтор, деб атай бошладилар.

Лашкарбоши ваҳимага тушган пиёда ва отлиқ аскарлари билан бир қўпол ҳазил қилишга чоғланиб, кемаларини иккига ажратади. Уларнинг бир қисмини тепалик бурун ортига яшириб, иккинчи қисмига тунда ўт қўйиб юборишни буюради. Аланга кўтарилгач, бутун қароргоҳдагилар оёққа турғазилади, соқчилар унинг ҳузурига чопадилар. Таъсирчан кишиларнинг кўпчилиги нима қилишни билмасдан қўлларини бир-бирига ишқаб туришса, бошқа бировлар тушкунликка тушиб кетишади. Улар саркардага мурожаат қилиб: «Ҳеч нарса қилмаймизми?» — деб сўрашади. «Нега ҳеч нарса қилмас эканмиз?» — савол билан жавоб беради у. — Лекин айтинг-чи, қайтиб кетадиган бўлсак нима қиламиз? Ё қайтиб кетсакмикан? «Биз мағлубиятга учрадик», деб ўйлаяпсизларми? Бас етар, менинг сафдошларим, ўзларингизми шу! Ким у мағлубият тўғрисида гапираётган? Сиз орқага қайтиб кетмаслигингиз керак. Бу ер Оллоҳ таолонинг ери, шундай экан, сизники ҳам. Қани боринг-у, уни эгалланг. Парвардигор учун, ўз уйингиз, болачақаларингиз учун савашинг. Энди чекинсангиз бўлмайди, ўзингизни 7 минг эмас, 70 минг киши деб тасаввур қилиб курашинг. Шу даргача ёғийларни доғда қолдириб келдингизлар. Бундан буён ҳам шундай бўлиши керак. Оллоҳ таолога ва ўз қиличингизга ишонинг. Олға, менинг ёш қаҳрамонларим!». Бу йигитларга жуда катта таъсир кўрсатади.

Испаниянинг забт этилиши. Ториқнинг ҳамма ишлари тўғрисидаги хабар Мусонинг қулоғига етди. Ўзи инсон зотининг табиати шу экан-да: қийингина Мусо ўз араб қўшинлари билан етиб келди. У Мадина, Сидония, Севилья ва Меридани эгаллади. Айтишларига қараганда, у берилган ваколатлардан ошириб иш кўрганлиги учун жамоа олдида Ториқни қойиган. Бироқ янги мукофот шон-шуҳрат аллақачон Ториқни юксакларга кўтариб қўйган эди. Унинг исмини бизнинг давримизда ҳам мусулмонлар юксак қадрлаб келадилар.

Ал-Валид ва Мусо. Ўша пайтнинг ўзида Дамашқда ғайримантиқий бир воқеа содир бўлаётган эди. Мусо ва Ториқнинг буюк ғалабасидан хурсанд бўлиш ўрнига ҳасадгўй сарой аҳли халифа ал-Валидни Мусога қарши қайрашга урол вазири Мусо ўз лашкарбошисига ҳасад қилди: «У собиқ қул сифатида иш кўрмабди, лекин жонажон ўғилларим қилолмаган ишнинг уддасидан чиқибди». Ҳар ҳолда у катта қўшин билан жанг қилди. Бироқ Ториқ қўшинларига келиб қовушганига қадар ёш лашкарбоши испан қўшинлари билан жангга киришган эдики, уларни шу пайтгача тахтни эгаллаб, мусулмон босқинчиларига қарши курашга ўзининг барча имкониятларини жамлаб улгурган Родерикнинг ўзи бошчилик қиларди. Бироқ унга на жанговар омилкорлик ва на аскарлар сонидаги устунлик ёрдам берди. У 711 йил июнда мағлуб бўлди. Марказий Испаниянинг катта қисмини Ториқ қўлга киритгандан кейин Мусо ўз араб қўшинлари билан етиб келди. У Мадина, Сидония, Севилья ва Меридани эгаллади. Айтишларига қараганда, у берилган ваколатлардан ошириб иш кўрганлиги учун жамоа олдида Ториқни қойиган. Бироқ янги мукофот шон-шуҳрат аллақачон Ториқни юксакларга кўтариб қўйган эди. Унинг исмини бизнинг давримизда ҳам мусулмонлар юксак қадрлаб келадилар.

Ал-Валид ва Мусо. Ўша пайтнинг ўзида Дамашқда ғайримантиқий бир воқеа содир бўлаётган эди. Мусо ва Ториқнинг буюк ғалабасидан хурсанд бўлиш ўрнига ҳасадгўй сарой аҳли халифа ал-Валидни Мусога қарши қайрашга тушдилар. Шундай кучли бўлишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ, дейишди улар. Испания шунча йироқда эканлигини таъкидлашди ва ўзини мустақил эълон қилмабдими, Мусо эси паст одам экан, деб шаъма ҳам қилиб қўйишди. Ақли расо ва беғараз киши бундай талқинларга эътироз билдириб, уларни жуда нари борса кўрв билмасликдир-да, деб баҳолаган бўларди. Лекин табиатида ғаразгўйлик бўлган ал-Валид ана шу ишораларга ишона бошлади. У Мусони ҳузурига чақиртирди. Мусо ўз ўрнига қиролликка вазир қилиб ўғли Абдул Азизни таъйинлаб, шарққа йўл олди. Дамашққа етиб келгач, у халифа ҳузурига узундан-узоқ тантанали маросим билан кириб борди. Уни бош кийимларига ноёб дуру гавҳарлар, аҳолидан тортиб олинган юзлаб зеб-зийнатлар қадалган қимматбаҳо тилла совғалар олиб келаётган шаҳзодалар, бошлиқлар ва машҳур кишилар қуршаб олган эди. Ҳанг-манг бўлиб қолган халифа ана шу совғаларни қабул қилиб олиб, Мусонинг ўзига ҳам иззат-икром кўрсатди. Кўп ўтмай у бетобликка учради, бутун бойликни унинг муваққат ҳоким қилиб тайинланган укаси Сулаймон ҳуқуқий жиҳатдан ўзлаштириб олди. Мусони эса раҳбарликдан бўшатиб, ҳеч қандай иш бермасдан саройда сақлади. Сал ўтиб, бутун мол-мулкини мусодара қилди ва сўнгра саройдан ҳам қувди. Мусо ўз қишлоғига оддий одам сифатида қайтиб бориб, қашшоқликда бандаликни бажо келтирди. Янги халифа Мусонинг ўғли Абдул Азизни ҳам ўлдиртирди. У шунингдек, Ҳиндистондан Муҳаммад ибн ал-Қосимни чорлаб келтириб, қатл эттирди. Мутлақо соғлом бўлишига қарамасдан Муҳаммаднинг тоғаси ал-Ҳажжож қазо қилди, ҳеч қандай ҳимоясиз ўсмир Муҳаммад ҳам ўта сирли ажал топди. Ана шу иккала ўлим бутун дунёдаги мусулмон лашкарбошиларига огоҳлантириш бўлиб хизмат қилди. Улар мусулмон ҳукмдорларининг шу қадар золимлиги ва ношукурлиги давом этган тақдирда ўзларининг манфаатлари ҳам поймол бўлиши хусусида мулоҳаза қила бошладилар. Бундай ташвиш асоссиз эмасди, чунки умавийлардан кейин ҳокимият тепасига келган аббосийлар ҳукмронлиги даврида барча саркардалар ва ҳокимлар учун ўзига оро бериб юриш ва пайти келганда мўъжазгина жойда бўлса ҳам ўзини ҳоким, деб эълон қилиш одат бўлиб қолган эди.

Ал-Валид ҳукмдор сифатида. У Кичик Осиёга кўплаб сафарлар уюштирди. Мусулмон қўшинлари бу минтақа жанубида жойлашган Сицилия ва Ғалатияни босиб олдилар. Ал-Валид марҳаматли ва саҳий ҳокими мутлақ эди. Қурдирган гўзал бинолари, мактаб ва касалхоналари унинг доврўғига доврўқ қўшди. У камбағалларга эркинлик бериб, адлия ишларини кучайтирди ва қонунчиликни такомиллаштириш тадбирларини кўрди. Тинч касбкорлар тўғрисида кўп жон куйдирди, араб шеърияти унинг даврида барқ уриб ривожланди. Умавийлар саҳронинг жанубий тўғрасида ўзлари истироҳат қиладиган ҳамда уйрўзғордан ва шаҳардан узоқроқда ўқиш билан машғул бўлишлари учун ўғилларини юбориб қўядиган истиқоматгоҳлар қура бошладилар. Ал-Валид ана шундай қишлоқлар сон жиҳатдан кўп ва кўринишдан гўзал бўлишига эътибор берди. У отаси Абдул Малик сингари қатъиятли, раҳмдилликда ундан ҳам устунроқ эди. Аммо ҳасадгўйлик сингари инсоний қусурдан маълум даражада ҳоли эмасди, лекин ҳеч қачон шафқатсизлик қилмаган. Шом уни аъло қирол деб ҳисобларди. У буюк умавийлардан эди.

Сулаймон (715 — 717-йиллар). Унинг вориси Сулаймон номуносиб ўғил ва ука бўлиб чиқди. Икки ярим йиллик ҳукмронлиги даврида талайгина номаъқулчиликлар қилишга улгурди. Мусо ва Муҳаммад ибн ал-Қосимдек иккита ажойиб лашкарбошини вазифаларидан четлатди. Муҳаммаднинг ўзини эса Константинополга қарши жуда қимматга тушадиган сафар уюштиришга кўндирди. Бу бир пайтлар оқибат натижада мусулмонларни сотиб, Константинопол аҳолисига қўшилган, уларнинг денгиз кучларини тор-мор қилган византиялик саркарда Лео намунасига тақлид бўлиши керак эди. Мусулмон қўшинларининг шуҳрати шу даражада юксак эдики, насронийлар дунёси улар устидан қозонилган ғалабани тантанали равишда нишонлаш ўрнига уларнинг мазкур минтақага ҳужумларидан бирмунча муддат қутулиш имкониятидан енгил нафас олгандай бўлдилар. Бироқ ҳарбий жабҳада Мусо ибн Нусейранинг давомчиси Испания ҳокими ан-Нур Абдураҳмон Пиренеяни кесиб ўтиб, Фарангистонни эгаллади.

(Давоми бор).

ОТА-ОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҚОСОНСОЙ ШАҲРИДАГИ 44-НУТҚИДА ОҒИР ҚАМЧИЛИГИ БОР БЎЛГАН БОЛАЛАР МАХСУС МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ

1992-93 ўқув йили учун

1—8-СИНФЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқишлар ўзбек, тожик ва рус тилларида олиб борилади. Қабул қилинган ўқувчилар давлат ҳисобидан 4 маҳал иссиқ овқат, дарслик, ўқув қуроллари, уст-бош билан таъминланадилар.

Болалар билан малакали дефектолог мутахассислар мунтазам нутқ тузатиш машғулотлари олиб борадилар, шунингдек, улар умумтаълим мактаблари дастури асосида маълумот ҳам оладилар.

Қуйидаги ҳужжатлар билан қабул комиссиясига мурожаат қилиш мумкин:

Директор номига ариза.

Туғилиш гувоҳномасининг асли.

Наманган вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги медико-педагогик комиссияси йўлланмаси.

Поликлиника ёки медпунктдан 63-карта.

4 дона 6х9 ҳажмдаги фотосурат.

Яшаш жойидан далолатнома.

Ота-она иш жойидан далолатнома.

Ўқиётган бўлса, мактабдан ўқувчининг нутқидаги камчиликларни кўрсатувчи тавсифнома.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Наманган вилояти Косонсой шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 10-уй. Намангандан Кўкимбой орқали қатнайдиган Наманган — Косонсой автобусининг «Ўқувчилар уйи» бекати.

Тошкентдаги 284-болалар боғчаси жамоаси янги ўқув йилидан кичкинтойларни Ўзбекистоннинг миллий архитектураси, қадимий санъати билан таништириб боришга аҳд қилди. Кичкинтойлар турли жойларга экскурсияларга олиб борилмоқда, йўл-йўлакай кўрганларини тасвирлашга ўргатилмоқда.

СУРАТЛАРДА: боғча тарбияланувчилари Алишер Навоий номидаги катта театр ёнида экскурсияда.

А. ЧАПЛИГИНА тасвири.

Замондошларимиз

ОТЛАРНИ КЕЧУВДА АЛМАШТИРМАЙДИЛАР

Мансур Қорахўжаевнинг мўъжазгина ҳовлисида суҳбатимиз авжида. Мансур Носирович ҳозирги таълим, унинг бирёқламалиги, мактабларимизнинг кечаги куни тўғрисида тўлиб-тошиб гапирадилар.

— Билим олишга лаёқатсиз болага ҳам, озроқ билимга эга бўлган ўқувчига ҳам «уч» баҳо қўйилиши, «иккисиз ва икки йилликсиз ишлаш» принципи умумий таълим мактаблари амалга ошираётган таълим ва тарбия тизимида тўла ҳукмронлик қилиши ўқувчиларнинг каттагина қисмида ялқовлик, ишёқмаслик кайфиятини шакллантирди,— дея босиқ сўзлай бошлади Мансур ака. — Лекин бу гапларнинг бир учи турғунлик даври деб аталган пайтда айрим оила бошлиқлари фарзандлари тарбияси ўрнига уларни кўнгилнинг истаган қўчасига киритиши ҳам ўқувчиларимизнинг маънавий ногирон бўлиб қолишига сабаб бўлмоқда. Бойлик бор жойда самимийлик ўрнини сохталик эгаллайди, ука.

— Тўғри-ку-я, лекин халқ таълимида энди жуда катта ўзгаришлар бўлиши табиий, — дейман унга эътироз билдириб.

— Бўлиши мумкин, —дейди Мансур Носирович. — Бироқ халқ таълими келажагини белгиловчи улкан муаммолар кўнгаланг бўлиб турган бир пайтда мактаб директорларию маорифчилар кўпинча арзимас ишкир-чиқирлар тўғрасида жузвозга қўшилган отдай айланиб юрибди. Мана, сиз қатори кишилар мактабнинг ўнинчи синфларини эллигинчи йилларнинг ўрталарида битиришган. Уларнинг аксариси ёмон бўлмади. Жуда билимли, ақлли, тадбирли кишилар бўлиб етишишди... — Мансур ака шу ўринда ҳозир муаллим бўлиб ишлаётган Абдулла Шеронов, район прокурорининг катта ёрдамчиси Мирсидиқ Мирҳакимов, талантли шифокор Январь Сулаймонов, Раймжон Содиқов, фан номзоди, Анорбой Турғунов, механик-олим Толиб Умрзоқовларнинг номларини тилга олди ва яна қўшиб қўйди: — У пайтдаги мактабларнинг муаллимлари анча масъулиятни ҳис этадиган, билимдон, ўз устида қунт билан ишлайдиган кишилар эдилар. Оҳангарон район мактабларида урушдан кейинги йилларда ишлашган Зойир Зокиров, Султон Аҳмедов, Мурод қори Раҳмедов, Муҳитдинхон Набихонов, Абдуғаффор Сатторий, Абдушоҳид Тошхўжаев, Юнус Нурмуҳамедов ва бошқаларнинг номларини мен фахр билан эслайман. Улар фидойи муаллим эдилар. Энди бундайлар жуда кам, борлари ҳам ўз ташвиши билан овора. Мактаблар қурилишининг пайсалга солинишини қаранг. Теловдаги янги мактаб биноси бир неча йилдан бери битмаяпти. Тутқишлоқда мактаб қуриш ишлари ҳамон пайсалга солиняпти. Оқчадаги мактаб қурилиши тўхтаб қолди. Қўрғон қишлоғида мактаб қурилиши тўғрисида шов-шувли гапсўздан нарига ўтилмади, Эртошдаги 37-мактаб қурилиши ҳақидаги фикрларни энди қишлоқ қариялари истеҳзо билан эслайдилар. Ахир, бу мактабни Тангатопди қишлоғи мисолидаги бино тарзида ҳам қурса бўлади-ку!..

Дарвоқе, Тангатопди. Мансур Носирович эллигинчи йилларда Оҳангарон район ижроия қўмитасининг раиси бўлиб ишлаган. Вилоят Советига депутатликка Инқилоб қишлоғидан унинг номзоди кўрсатилиб, сайловчилар билан бўлган бир учрашувда қариялар бу тоғли маконда ҳам битта намунали мактаб биноси қурилишини Мансур акага наказ сифатида юкладилар. Ўша пайтда Тошкент — Қўқон шоҳкўчаси бунёд этилаётган эди. Аҳолининг кучи, жамоатчиликнинг ёрдами Мансур Носировичнинг саъй-ҳаракати билан кимсасиз Тангатопди сой этагида янги типовой мактаб бунёд этилди. Мактабнинг янги биноси битиши билан аҳоли ҳам ўша ерга уйлар қуриб, янги Тангатопди қишлоғи барпо бўлдики, бунда ҳам М. Қорахўжаевнинг жуда катта ташкилотчилик фаолияти асосий ўрин тутганини қишлоқ кексалари ҳали ҳам ифтихор билан сўзлаб юрадилар.

Мансур Носирович асли педагог. У узоқ муддат партия, совет, хўжалик ишларида ҳалол меҳнат қилди. Мансур Носирович қаерда меҳнат қилмасин, энг аввало, халқ таълимига алоҳида эътибор билан қарарди. Шу боис бўлса керак, район марказидаги биринчи ўрта мактаб унинг ташаббуси билан қўшимча хоналар ҳисобига анча кенгайди. Обликдаги мактаб учун янги бинолар барпо этилди. Тут қишлоғидаги мактабда кичик бўлса ҳам қўшимча хоналар бунёд этилди. Ялпоқтепада тамомила янги бино қурилиб, саккиз йиллик мактаб ўрта таълимга айлантирилди. Теловда ўзбек бўлмаган миллат вакиллари учун янги мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди, Қорахтойда айрим бинолар мактаб учун мослаштирилди. Сусамда янги типовой мактаб биноси...

— Ҳозирги аҳвол маълум. Давлатларнинг тешик чўнтагидан шамол ўтиб турган бир пайтда нимагадир совхозларимиз мактаб-маориф масаласини жиддийроқ ўйламаяптилар. Хўжаликларнинг ҳозирги аксари раҳбарлари молларга, парранда ларга ҳашаматли иншоотлар қуриб, кейингина одамлар (ўшанда ҳам болалар ҳақида эмас) ўйлай бошлашди, — дейди Мансур ака. — Кадрлар масаласи эса ҳаддан ташқари ёмон...

Кадрлар масаласи. У Оҳангаронда, худди Мансур Носирович таъкидлаганидай, анча долзарблигича қолаётир. Сўнгги етти йил ичида Оҳангаронда халқ таълими бўлимининг мудири етти марта алмаштирилди. Жуда кўп мактабларнинг директорлари йил сайин алмашиб турибди. Масалан, кейинги бир ярим йил ичида 18-ўрта мактаб директори уч марта, илмий мудири тўрт марта, 17-мактабнинг директори уч марта, 32-мактабнинг директори икки марта алмаштирилди. Таълим тизими кун сайин ўзгариб турган бир пайтда арзимаган нарсалар учун ҳам мактабларнинг раҳбарларини алмаштираверишмиз шартмикан? Ахир отларни кечувда алмаштирмайдилар!

— Сўнгги пайтларда мактабларни миллийлаштириш масаласи кўтарилди-ю, айрим кишилар буни болаларга фақат эски ўзбек ҳарфларини ўргатишдан иборат деб тушундилар. Бу ерда гап ўқувчиларга миллий қадриятларимизни, одат ва ахлоқимизни ўргатиб, мактабларни ислоҳ қилар эканмиз, аввало, мажбурий таълим деган нарсани мутлақо йўқ қилишимиз, мактабда таълим олишни ихтиёрийликка ўтказишимиз, сўнгра 1200—1400 ўқувчини бир мактабда ўқитишга чек қўйишимиз зарур. Ўрта мактаблар сонини кескин қисқартириш керак. Илгари битта қишлоқ Советида битта ўрта мактаб бўларди. Унинг атрофида эса бошланғич, тўлиқсиз ўрта билим даргоҳлари бор эди. Шу нарсани ҳам ўйлаб кўриш керак. Мактаблар сонини кўпайтириш билан ўқувчиларни билимли қилиб бўлмайди. Ахир 11-синфни тамомлаган ўқувчилар ичида ўз исми-шарифини ёзолмаганлар ҳам топилади-ку!? Ўн бир йил ўқувчини мактабда мажбурий ушлаб туриш шартмикан? Ахир вақт— бу умр-ку! Болаларимизга ўзимизнинг яхши удумларимизни мунтазам ўргатишимиз шарт-ку. Одамзод қайси бешикда катта бўлганини билиши керак. Бунинг учун эса аввало маорифчи кадрлар масаласини пухтароқ ўйлаш лозим. Чунки давр тажрибали кадрларни қадрлашни ҳам талаб қилмоқда. Бугун биз кечаги ўқувчиларимиз қўлида қимматбаҳо сигареталар билан эгнида қуроқдан тикилган «адидас»ни кўраяпмиз. Ўзлари эса ҳеч қаерда ишлашмайди. Ишлай олишмайди ҳам. Сигареталар эса сувқовоқ эмаски, ишкомларда осилиб ётса. Кеча битта юқори синфда ўқийдиган ўқувчини кўрдим: қулоғидаги сирғаси калласидан ўн ҳисса қимматроқ! Шу нарса ўқувчи учун ҳозир керакми, дейдиган одамнинг ўзи йўқ. Ҳозирги шароитда бу оила учун катта моддий зарар. Моддий зарар эса ҳамённи ғариб қилади. Яқинда 33-ўрта мактабга кирдим. Деярли ҳамма муаллимлар мактаб биносининг таъмири билан банд. Биров сувоқ қиляпти, биров бўёқ, биров партани созлаяпти, биров ҳовли текислаяпти.. Муаллим ким ўзи? У таъмирчи ёки ишчи эмас. У одам ундирадиган тарбиячи. Муаллимларни бундай ишлардан озод этиш, уларнинг тўкилай-тўкилай деб турган обрўсини тиклаш ўрнига бўёқчилик билан шуғуллантирсак... Бу — уят!

...Мансур Носирович билан мактаб, тарбия тўғрисида яна узоқ баҳслашдик. Қайта қуриш бошланган бўлса ҳам, маорифчиларимиз жанг ўртасига ёриб киролмаяпти!

Мен қўзғолишим олдидан Мансур Носирович шу фикрни айтдилар. Янги авлод тарбияси кекса меҳнат фахрийсини шу куннинг муаллимларидан кам безовта қилмаётганига амин бўлдим.

Мўмин ҚАЮМ.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

АЁЛ ҚАЛБИГА ИШОНИНГ

Ҳурмат, илтифот, иззатикром керак ўзбек аёлига. Умр бўйи илҳақ кутгани висол, тарк этмас муҳаббат керак ўзбек аёлига. Ҳоҳо кўзлари ёшланганда, меҳру шафқат керак, эътибор керак, ўзбек аёлига. Миннатдор ниғоҳ, эркаловчи табассум, далда керак ўзбек аёлига.

Умида Абдуазимованинг «Умрим зийнати» китобини ўқир эканман, шундай хулосага келдим.

Одамлар, аёлга муомала қилаётганда унинг титраб турган қалбига раҳмингиз келсин, унга қаҳрингизни сочишдан олдин, ўзингизга инсоф тиланг яратгандан, дегим келади. «Эътиқодлилар бунчалар сабрли! Сабрлилар эса ҳамиша пок, ҳамиша мағрур!» — дейди Умида Абдуазимова бир мақоласида.

Сабр — бу ўзбек аёлининг умр мезони.

Сабр — бу ўзбек аёлининг қалб бойлиги.

Сабр — бу ўзбек аёлининг ёлғиз суянгани.

Сабр — бу ўзбек аёлининг момо мероси.

Сабр — унинг ўзлиги, бошқалардан фарқидир.

Китобни варақлар эканман, эркаклар, бизни мулойимлигимиздан жудо этманг, дейман. «Баъзан муборак тилимиздан қандай сўзлар чиқмайди, дейсиз! Урушқоқлик, шаккоклик, феъли торлик, бесабрлик...»

Тўғри, баъзан қўполлашиб кетаётганингдан, атрофингда сендан-да қўпол дугоналаринг кўпаяётганидан ҳижолат тортасан. Сабабини ўйласак, ахир момоларимиз тўрт девор ичида ҳам бу қадар беандиша бўлишмаганку. Бизга нима бўлди?! Қаёққа кетаяпмиз. Наҳотки ўзгармаймиз. Шунча қусур билан яшаш мумкинми?!

Умида Абдуазимованинг мўъжазгина бу мақолалар тўпламида шу саволларга жавоб топасиз. Аёлнинг гулдан ҳам нозик ўй-хаёлларига ошно тутинасиз. Унинг қаҳрамонлари билан танишар экансиз, дилингиз таскин топади. Ҳар қандай вазиятда тадбир топа оладиган, самимий, дилбар ва доно аёллар, опа-сингиллар борлигидан қувонасиз. Келажакка, эртага нурли нигоҳ билан боқасиз. Ишонинг, саҳроларарО келсангиз, яшил баҳорлар кутади. сизни аёл қалбида, орзуларингиз ушалади, ағёрларингиз мағлуб бўлади унинг қаршисида.

Бу тўплам сизга ҳайрат чашмалари сари йўл кўрсатади.

Зулфия МУМИНОВА.

Бош муҳаррир Аҳмаджон ДОЛИМОВ.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35, нашриёт диспетчери — 32-78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

№ Г-300. ИНДЕКС: 64595. Босишга топшириш вақти 20.00. Босишга топширилди 19. 00. тираж 33628.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12